



ПОСЕТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 3 ноябрь, пайшанба • 44 (3625)-сон

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҚАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ҚАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қарбий хизматнинг ёшлар учун мустақкам ҳаётий принциплар, юксак ватанпарварлик фазилятлари шаклландиган жисмоний ва маънавий чиниқиш мактаби эканлигини;

фуқароларнинг муқдатли қарбий хизматни ўташи самардорлигини оширишнинг моддий, ахлоқий ва маънавий рағбатлантиришни янада кучайтириш зарурлигини ҳисобга олиб;

қарбий хизматни тугатаётган ёшларни рағбатлантиришнинг аҳамиятини, уларнинг ўқишни давом эттириши ва мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратишни эътиборга олиб;

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муқдатли қарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи

миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки: мазкур қарорга биноан белгиланган имтиёз қарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг истисносиз барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилади;

қарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синови) керакли балл тўплай олмаган муқдатли қарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муқдатли қарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида "Қамолот" ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгашига (Б.Убайдуллаев) Молия вазирлиги (С.Раҳимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муқдатли қарбий хизматни ўтаган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Мудофаа вазирлиги (Қ.Фуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов);

жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижалар кўрсатган, намунали қарбий интизомга эга муқдатли қарбий хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларга мамлакат олий ўқув муассасаларига ўқишга кириш учун бериладиган тавсияномалар сонини кўпайтириш чораларини кўрсин;

Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев) билан ҳамкорликда бир ой муқдатда жанговар гуруҳлар, взводлар, батальон ва бригадалар командирларининг қабул қилаётган қарорлари ҳолислиги учун шахсий жавобгарлигини эътиборга олган ҳолда, муқдатли қарбий хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

қарбий қисм қўмондонлиги-

нинг муқдатли қарбий хизматдан захирага бўшатишган қарбий хизматчиларга олий ўқув муассасаларига имтиёзли шартлар асосида ўқишга кириши учун тавсиянома бланкасининг ягона шаклини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Давлат тест маркази (Б.Исмоилов) билан биргаликда уч ой муқдатда Қуролли Кучлар қўшинлари турларининг жанговар-хизмат вазифалари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, муқдатли қарбий хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастурини ўзлаштиришни якуний баҳолаш учун тестлар ишлаб чиқсин; тест натижалари муқдатли қарбий хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар беришда ҳисобга олинсин.

(Давоми 2-бетда)



РАМАЗОН ҲАЙИТИНИНГ
МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчириш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2005 йил 31 октябрь.

УШБУ СОНДА:	
ЭЪТИҚОД – ПАНД-НАСИХАТДИР	4
ҲАЁТ-МАМОТ ЧЕГАРАСИДА	7
БЕАРМОН САНЪАТКОР	16
АҲИЛЛИК, ТОТУВЛИК – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ	21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Белгилансинки, 2005 йилнинг декабрида Қуролли Кучлар захирасига бўшатиш ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг эски намунадаги тавсияномасига эга фуқаролар мамлакат олий ўқув юртлигига киришда ушбу қарорда белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

4. Қуролли Кучлар Бирлашган штабига (В.Маҳмудов), Ички ишлар вазирлигига (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизматига (Р.Иноятов):

Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Давлат тест маркази (Б.Исмоилов), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳақиқат комиссиялари раҳбарлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга қақрилатган фуқароларни тест синови ва танлов асосида саралаш бўйича мавжуд тизимни чуқур таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича амалий чоралар кўриш, шунинг билан биргаликда қақрилувчи-

ларнинг соғлиги ва интеллектуал савиясини ҳолис ўрганишга қаратилган замонавий компьютер технологияларини қўллаш;

бир ҳафта ичида муддатли ҳарбий хизматга янги қақрилган ҳарбий хизматчиларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги дастурини ўрганиб чиқиш; ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ва дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бунда ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртлигига ўқишга киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилсин;

ҳарбий округлар қўмондонлари билан биргаликда ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни самарали тарзда касбга йўналтириш, хизматни ўташ даврида ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини эгаллашларига, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган зарур ташкилий-техник шарт-шароитларни яратиш.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (Р.Қосимов), Давлат тест марказига (Б.Исмоилов): муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг олий ўқув юртлигига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини ташкил этиш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлигига армияда хизмат қилган абитуриентлар учун бепул асосда фаолият юритадиган тайёрлов курслари тармоғини кенгайтиришни кўзда тутиш;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Орипов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (В.Маҳмудов) билан биргаликда "ZiyoNET" ёшлар маърифий тармоғида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни мамлакатимизнинг олий ўқув юртлигига ўқишга киришлари учун масофали касбга йўналтириш, ўқитиш ва услубий тайёрлашга йўналтирилган мақсадли ахборот ресурсини яратиш; белгиланган тартибда унга ҳарбий қисмлар ва бирлашмалар компь-

ютер синфларининг уланишини таъминлаш;

2006 йилнинг 1 апрелигача олий ўқув юртлиги тайёрлов курслари ва ҳарбий қисмлар кутубхоналарини ўқишга кириш учун зарур бўлган услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги "Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 496-сонли қарорининг 3-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 227-сонли қарорининг 3-банди 1-хатбошиси.

7. Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги

(З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев) билан биргаликда бир ой ичида мазкур қарордаги талабларни эътиборга олган ҳолда белгиланган тартибда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С.Раҳимов) Давлат тест маркази ва олий ўқув юртлиги сметасида тест синовларини ўтказиш ва олий таълим муассасалари ҳамда ҳарбий қисмлардаги тайёрлов курсларида машғулотлар ўтказишга жалб этиладиган ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини кўзда тутсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби Р.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 31 октябрь

СОДИҚЛИК ҚАСАМЎДИ

Республика ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан «Жар» соғломлаштириш спорт мажмуасида ташкил этилган ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатда асосан хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари таълим-тарбия олишади.



Бу ерда ўғлонларнинг мукамал билимга эга бўлишлари, келажакда ички ишлар идоралари учун етук кадрлар бўлиб етишлари учун қулай имкониятлар мавжуд. Замонавий компьютер, ўқув қўлланмалари, жиҳозлари билан таъминланган Курсантлар умумтаълим машғулотларидан ташқари юриспруденция, ҳарбий дипломатия, жаҳон адабиёти, этика, эстетика, дин тарихи фанларидан ҳам чуқур билим оладилар. Шунингдек, ўсмирларга қўл жанги, саф ва жисмоний тайёргарлик сабоқлари берилади. Уларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида она-

Ватанга муҳаббат, халқимизнинг урф-одатлари, удумлари, кўп асрлик анъаналарга ҳурмат, уларни давом эттириш борасида ҳам амалий машғулотлар киритилган. Спортнинг бир қатор турлари бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатади.

Ўтган ҳафтада мактаб-интернатга янги қабул қилинганларнинг тантанали қасамёд қилиш тадбири бўлиб ўтди.

— Ўғлим отасидек ички ишлар идораларида хизмат қилишга аҳд қилган, — дейди Андижон воқеаларида мардларча ҳалок бўлган Шўҳрат Зоҳидовнинг умр йўлдоши Меҳри Зоҳидова. — Мактаб-

интернатдаги шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Ўғлим айниқса, таълим-тарбия бераётган устозлари ҳақида илиқ гапларни айтди. Бунинг учун мактаб раҳбариятидан миннатдорман. Ўғлим ота изидан боришга ҳаракат қилаётган экан, унга чин дилдан омад тилайман.

Бундай мамнунлик билан айтилган фикрларни бошқа оналардан ҳам эшитдик. Ўғлонларнинг ўзлари эса шодликларини яширолмай тўлиб-тошиб оналарига, қариндошларига мактаб ҳаётидан гапириб беришарди.

Кийимлари ўзларига ярашган, шаҳдам одимлар билан майдонга кириб келган курсантлар пухта билим олиб, ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлишга қасамёд қилдилар.

Тадбирда республика Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов, ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов иштирок этиб, вазирлик раҳбарияти ва ички ишлар идоралари фахрийлари номидан курсантларни қасамёд қабул қилганлари билан қутладилар.

Ф. МАЪРУПОВА.



Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ДИҚҚАТ! «МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ ОЙЛИГИ» БОШЛАНДИ

ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧ МАСКАНИ БЎЛСИН

Милиция таянч пунктларида ички ишлар идоралари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Худудларда осойишталик, фуқаролар хавфсизлигини сақлашга ички ишлар идораларининг барча куч ва воситаларини йўналтириш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самардорлигини ошириш мақсадида Республика Ички ишлар вазирлигининг Фармойишига биноан «Милиция таянч пункти ойлиги» ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида 3,5 мингга яқин милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Бу масканларда профилактика инспекторларидан ташқари маҳалла оқсоқоли ҳамда посбонлари, яраштириш комиссияларининг аъзолари учун ажратилган алоҳида хоналар бўлиб, улар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Яқинда Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани Боғалон қишлоғидаги 135-милиция таянч пунктида «Ёшлар ҳуқуқ-тарбия спорт маркази» ташкил этилди. Ушбу бино тумандаги кўплаб ташкилот ва маҳалла аҳлининг ҳомийлигида шинамгина масканга айлантирилди. Ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ҳар томонлама етук, билимли, жамиятга фойда келтирадиган ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш учун, аввало, уларни спортга, фойдали ишларга жалб этиш лозим. Шу жиҳатдан олганда бу милиция таянч пунктида очилган марказ қошида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис турлари бўйича тўғарақлар мавжуд. Малакали мураббийлар маҳалла ёшларига спорт турларини мукамал ўргатишади. Уларнинг аксарияти ички ишлар ходимлари эканини айтиб ўтиш жоиз. Бундан ташқари ёшларни касб-хунарга йўналтирувчи тикувчилик, этикдўзлик, сартарошлик, дурадгорлик ва бошқа цехлар фаолият юритаёпти. Ички ишлар идоралари ходимларининг ўзлари ҳам бу ерда жисмоний тайёргарлик машқлари билан шуғулланишади. Бир қарашда жуда катта янгилик бўлиб туюлмайдиган ишлар замирида кенг қамровли профилактик тадбирлар ётганлиги аён бўлади. Чунки ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, биринчидан, уларни жисмонан чиниқтирса, иккинчи томондан уларни турли ҳуқуқбузарликларга қўл уришдан, жинойи оқимларга қўшилиб қолишдан сақлайди. Пировард натижа эса жиноятларнинг олди олинади. Профилактика хизматига катта эътибор қаратилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

МАШГУЛОТЛАР ҚИЗГИН

Хоразм вилояти ИИБ тергов бошқармасида мазкур хизмат ходимларининг касбий тайёргарлик, билим ва тажрибасини ошириш, мустақил равишда қонуний қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантириш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубларини чуқур ўргатиш, соҳани яхши биладиган ходимларни тайёрлаш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Бунда бешта йўналиш, яъни йўл-транспорт ҳодисаси, иқтисодиёт, гиёҳвандлик, одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳамда ёш терговчиларнинг малакаси-

ни ошириш бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Ўқув гуруҳларига вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, подполковник Полвонбой Ҳасанов, катта терговчилар, подполковник Озод Қодиров, майорлар Озод Каримов, Мадамин Қиличев сингари малакали ходимлар раҳбар этиб тайинланган. Бунда асосий эътибор ходимларнинг ҳуқуқий онги, дунёқарашини шакллантириш, ахлоқий жиҳатдан пок ва жисмонан соғлом, касбий маҳорати юқори бўлган ходимларни тайёрлашга қаратилган.

жатларни сифатли расмийлаштириш, тергов хизмати раҳбарларининг ташкилотчилик, етакчилик қобилиятини шакллантиришга ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда Урганч шаҳар ИИБ тергов бўлимини вилоят ИИБ бошлигининг фармойишига асосан базавий тергов бўлимига айлантирдик. Бу ерда ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш учун ўқув синфи ташкил этилди ва у тўла таъмирдан чиқарилди.

Тергов тизими ходимларида раҳбарлик, ташкилотчилик, етакчилик қобилиятини шакллантириш мақсадида ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга кўра раҳбар ходимлар билан ҳам ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Бу ўқув машғулотларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, яъни адлия бошқармаси, жинойий ишлар бўйича вилоят суди, вилоят прокуратураси, адвокатлар ҳайъати ва ички ишлар бошқармасининг етакчи мутахассислари жалб қилинган.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Суратда: вилоят ИИБ тергов хизмати ходимларининг касбий маҳоратини оширишга бағишланган тадбирдан лавҳа.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



ТҮЙХАТ ҲУРИДА

Ҳаётнинг пасту баландини кўрган, ўзининг мустақам иродаси билан барча қийинчиликларни енгиб ўтган инсонлар орамизда кўп. Бундайлар қачонлардир яхши кунлар албатта келишини, кўкрагига шамол тегишига ишониб яшайдилар.



МУСТАҲКАМ ИРОДАЛИ ИНСОН

Истеъфодаги полковник Қайнар Қаршибоев ҳам ҳаётнинг оғир синовларидан ўтган, бироқ иродаси букилмаган инсонлардан. Унинг болалик даври суронли Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Фронтдан ғалаба билан қайтган, ҳарбий кийимлари қадди-қоматларига ярашган ҳамқишлоқларини кўрганда унинг ҳаваси келарди. Катта бўлсам, албатта офицер бўламан, дея ният қилиб қўйганди. Ана шу ниятига эришиш учун кўп ҳаракат қилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳеч иккиланмай Харьков шаҳридаги ИИВ ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Меҳнат фаолиятини Тошкент вилояти ИИБ йўл-патруль хизматидан бошлади. 1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил топгандан кейин Давлат автомобилчи назорати хизматида раҳбарлик лавозимларидан бирига тайинланди. Шу орада Тошкент олий милиция мактабидан сиртдан ўқиб, билимни оширди.

Кейинги хизмат йиллари Жиззах вилояти ички ишлар идоралари билан боғланди. Зомин тумани, Жиззах шаҳри ИИБга раҳбарлик қилди. Вилоят ИИБ тергов бўлими бошлиғи ўринбосари бўлди. Кейинроқ Галлаорол тумани ИИБга бошлиқ этиб тайинланди. Ушундан марказдан келган десантчилар республикамизда «тозалаш» ишларини олиб боришарди. У Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаётганда муҳшиш кунлар шамоли уни ҳам четлаб ўтмади. Бироқ унга қўйилган айблар ўз исботини топмади. Қайнар Қаршибоев оқланиб, ёруғ юз билан оиласи даврасига қайтди.

У Жиззах вилояти ички ишлар идораларини ташкил этишда фаол иштирок этган. Бу тизим сафларини ўз касбига садоқатли, тартибли ходимлар билан тўлдиришда бор кучини бағишлаган инсон.

— Умримни шу касбга бағишлаганимдан фахрланаман, — дейди Қ. Қаршибоев. — Дастлаб иш бошлаган кунларим худди кечагидек эсимда. Устозларим Отамурод Муҳаммадиев, Ёрулла Норбеков, Хидир Давиров, Хўжабек Мансуровлардан ўрганган тажрибаларим, уларнинг панд-насихатлари ҳамон ёдимда: Умр ўткинчи, ҳаётда сабр, бардош, матонат билан яшаб, курашган, хизмат қилган муродига етар экан.

Дарҳақиқат, ўзининг табаррук 70 ёшини нишонлаш арасида турган Қайнар Қаршибоев ўзи айтган ҳаёт синовларидан ўтган. У ички ишлар идоралари билан ҳозир ҳам ўз алоқасини узгани йўқ. У вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол иштирок этапти. Тез-тез ёш ички ишлар ходимлари билан учрашиб, хизматнинг шарафли, машаққатли томонлари ҳақида гапириб беради. Мустақилликнинг қадрига етишга, Ватанини, халқни севишга, унинг учун фидойи, ҳалол хизмат қилишга қақиради.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ.

ТАЛАБАЛАР ТАШАББУСИ

«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиши керак» деган пурмаъно иборага амал қилган ҳолда Тошкент Ҳуқуқшунослик коллежи талабалари муқаддас моҳи Рамазон кунлари савобли ишга қўл уришди.

Яқинда коллеж талабалари ташаббуси билан пойтахтимизнинг 199-сонли махсус ёрдамчи меҳнат мактабидан хайрия тадбири уюштирилди. 341 нафар ақли заиф тарбияланувчиларга дастурхон ёзилиб, ош тортиди. Меҳр ва эътиборга муштоқ болажонларга талабалар ширинликлар улашиб, уларнинг қувончларига шерик бўлишди. Концерт дастури эса улар хотирасида бир умрга муҳрланди.

— Талабалар бундай ташаббус билан чиқишганда бизга жуда маъқул тушди ва

тўла қўллаб-қувватладик, — дейди Тошкент Ҳуқуқшунослик коллежи декани Дурдона Назарова. — Бугунги тадбирни талабаларимиз ўз ҳисобларидан ташкиллаштиришди, болажонларга совға-саломлар улашишди. Мен коллежимиз раҳбарияти номидан уларга самимий миннатдорчилигини изҳор этиб қоламан.

— Болаларнинг хурсандчилигини кўриш катта бахт. Уларнинг мурғак қалбига шодлик улашган талабаларга раҳмат! — деди ўз навбатида мактаб директори Дилдором Холбобоева.

Ҳа, мустақил юртнинг баркамол авлодларини айнан коллеж талабалари мисолида кўриш мумкин. Ота-боболаримиздан қолган бетакрор анъаналаримизнинг давомчилари бўлмиш бу-

гунги ёш авлодлар билан фахрлансак арзийди. Ёшларнинг бундай савобли ишларни амалга ошириши уларнинг юксак маънавиятидан далолатдир.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: тадбирдан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

РЕПОРТАЖ

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛИНГ!

Она-Ватанга муносиб хизмат қилишдек шарафли бурчини адо этишга аҳд қилган мард, жасур йигитларни ота-оналари ва яқинлари иштирокидаги армия сафига тантанали кузатиш анъанавий тус олмоқда.

Тошкент шаҳар қақриув пунктида 55 нафар баҳодирни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими ана шундай анъанавий байрамга айланиб кетди.

«Аввал таом, бадаз калом» деганларидек, тадбир қатнашчиларини Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти байрам дастурхонига таклиф қилди.

Соат 14.00. Барчанинг дили ўзгача қувончу шодликка тўла. Бир томонда ота-оналар ўз жигарбандларига хизматни аъло даражада бажариш, командирларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришни тайинляпти. Барчининг кизлар эса ўз Алломишини ой бориб омон қайтиб, эл-юртга тўй бериб бахтли-саодатли турмуш қуришини дилдан ҳис этиб туришарди.

Атрофни байрам шукуҳи эгаллаб олган бир пайтда фурсатдан фойдаланиб, бўлажак аскар ва уларнинг яқинларини суҳбатга тордим.

— Мен Шайхонтоҳур тумани «Янгишаҳар» маҳалласида ўқитувчи бўлиб ишлайман, — деб ўзини таништирди Сайдулла Холматов. — Уелим ҳарбий хизматга бориш истагини айтганда, тўғриси, жуда хурсанд бўлдим. Йигит киши учун Ватанининг дахлсизлигини сақлашдан ортиқ олий бурч йўқ деб ўйлайман.

— Маратжонда болалик чоғидаёқ ҳарбий бўлиш иштиёқи бор эди, — деб суҳбатга қўшилди ҳарбийга қақрилувчи йигитнинг онаси Муяссар Холматова. — Мана, ўелимнинг орзуси ушалмоқда. Илгарилари болаларимизни ўзга юртларга юборишарди. Энди эса улар ўз бағримизда. Бу истиқлол шарофати. Илоҳо, шу ердаги барча йи-

гитлар, шулар қатори Маратжонгинам ҳам хизматга соғ-саломат бориб келишсин.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси қақриув бўлими бошлиғи подполковник А. Саламовдан қақрилувчиларни танлаб олиш тартибини сўрадик.

— Уларни танлаш чоғида нафақат жисмоний етуқлигини, шунингдек, интеллектуал салоҳи-

ятини ҳам ҳисобга оламиз, — деди А. Саламов.

Ва ниҳоят соат миллари 14.30 кўрсатди. Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Бўлғуси аскарлар саф тартиб туришарди. Қақриув комиссияси аъзолари, ота-оналар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, матбуот, радио ва телевидение ходимлари ҳамда байрам қатнашчилари тантананинг асосий йиғилиш майдонига ўтишди.

Подполковник А. Саламов ҳарбий хизматга қақрилувчиларни майдонга сафлаб, Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Б. Маҳмудова ахборот берди. Шундан сўнг ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси янгради. Б. Маҳмудов йиғилишни очар экан, Ватанга хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини таъкидлаб, қақрилувчиларни буюк аجدодларимизга муносиб ворис



бўлиш ва юртимизни кўз қорачигидек асрашга чақирди.

Шундан сўнг бирин-кетин сўзга чиққан Учтепа тумани Хотинқизлар кўмитаси раиси Азиза Ғиёсова, «Маҳалла» жамғармаси вакили Раҳим Нодиров, шаҳар «Нуроний» жамғармаси вакили Иброҳим Иноғомовлар қақрилувчи йигитларни ўз хизмат бурчларини виждонан бажариш, она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга даъват этдилар. Сўнгра тадбирнинг бадий қисми бошланди. Майдонга Учтепа тумани ҳокимияти маданият ва спорт ишлар бўлими бадий жамоалари ҳамда мазкур туман 455-мактабгача таълим маскани шириндан-шакар жажжи болажонларининг чиқишлари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ниҳоят байрамнинг якуний қисмига ўтилди. Нуроний қариялар оқ фотиҳасини олган 55 нафар алпқомат йигитлар темир йўл шохбекати томон отланишди.

Ҳа, мана ёшликнинг беғубор шўхликларини, бетакрор лаҳзаларини ортда қолдирган бу азаматларни йигитликнинг қутлуғ остонасига қадам қўйишмоқда. Ҳарбий хизмат чоғида улар нафақат ўз конституциявий бурчини, балки ҳаёт мактабини ўташди. Бунда уларга соғлиқ-омонлик ва омад ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛСА...

Диний-экстремистик оқимларнинг ташвиқотчилари ўз мақсадларига эришиш учун сўнгги пайтларда аёллардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Бунда авваламбор диний-экстремистик фаолияти учун қамалганларнинг аҳли аёли ва унинг яқинларини ўз томонларига оғдириб олиш ҳаракатида бўлишяпти.

Аёлнинг турли диний-экстремистик оқимларга кириши яна шуниси билан хавфлики, у ўзининг вояга етмаган фарзандлари, опа-сингиллари, дугоналарини ҳам шу йўлга тарғиб этади.

Мазкур долзарб масала ҳақида Каттақўрғон тумани хотин-қизлар кенгаши раиси Гулнора Шаронова ва туман ИИБ бошлиғи, подполковник Улуғбек Қодиров билан суҳбатлашдик.

— Туманимизда 68 та маҳалла мавжуд бўлиб, унда 50 мингга яқин оила истиқомат қилади, — дейди Гулнора Шаронова. — Андижон воқеаларидан кейин гузарларда учрашувлар ўтказдик. Олис қишлоқлар ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Ички ишлар идораларининг ходимлари

билан бирга профилактик суҳбатлар ўтказдик. Чигатой, Мелихўжа, Андоқ, Себистон, Мойбулоқ қишлоқларида имомхатиблар динимизнинг моҳияти ҳақида маърузалар қилдилар. Бунда аввало баъзи аёлларимизни ёт оқимларга кириб кетмаслигига эътибор бердик.

Уламоларимиз уларга Аллоҳ, иймон-эътиқод аввало юракда бўлиши лозимлигини, муқаддас динимиз ҳеч қачон бузғунчилик, қон тўкишни тарғиб этмаслигини уқтиришди. Туманимиздаги диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар вилоят миқёсида ўтказилган «Маслаҳатчи-2005» танловида биринчи ўринни эгаллашди.

Ҳамюртимиз, республика ИИБ Академияси тингловчиси Бекзод Жуманиёзов «Ўзбегим ўғлонлари» танловида ғолибликни қўлга киритди. Бу бизнинг ҳам ютуғимиз. Чунки Бекзод туманимизда тарбия топган, вояга етган. Бекзодга рағбатлантириш тариқасида томорқа ер участкаси ажратдик. Республика ИИБ эса уни компьютер билан

тақдирлади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга эътиборни кучайтираёلمиз. Чунки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қонунни яхши билган инсон ҳар бир ишни ўйлаб қилади. Яқинда маҳаллий телевидение орқали бевосита мулоқот ўтказдик, Меҳнат кодекси, имтиёзлар, Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар борасида одамларни қизиқтирган саволларга жавоб бердик.

— Туман ҳудуди катта. Шундоқ тоғ этагида жойлашган қишлоқлар ҳам бор. Аҳолининг ҳам ўзига яраша муаммолари бўлади...

— Ваколатли шахслардан иборат сайёр комиссия вақти-вақти билан олис қишлоқларга ташриф буюради. Бунда туман ИИБ ходимлари яқиндан ёрдам

беради. Деярли барча тадбирларни ички ишлар ходимлари билан биргаликда ўтказамиз. Яқинда уларнинг ташаббусига кўра туманимизда ёшлар ва болалар иштирокида спорт мусобақалари ўтказилди. Бу ёшларнинг уюшишига ёрдам берди. Улар ана шундай тадбирлар тез-тез ўтказилса деб тилак билдиришди.

— Улуғбек ака, гап ўсмирлар ҳақида очилган экан, тарбияси оғир ўсмирлар билан қандай тарбиявий ишлар ўтказилапти?

— Бизда 16 нафар ўсмир ҳисобда туради. Барчаси ҳамиша маҳалла фаоллари, ота-оналари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг диққат-эътиборида. Улар билан тез-тез суҳбатлашиб тураемиз. Энг муҳими, бу ёшларни бекор қўймаймиз, турли фойдали, қизиқarli машғулотларга жалб этаемиз.

Суҳбатдош: Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.

Манбааларда келтирилишича, гуноҳнинг биринчиси осмонда ва ерда содир этилган экан. Осмонда — Иблиснинг Одам Атога ҳасади келиб, унга сажда қилишдан бош тортиши сабабли юз берган бўлса, ерда — Қобилнинг биродари Ҳобилга яхши кўрган қизни қабул қилиб олганига ҳасади туфайли содир бўлган. Яна келтирилишича, биринчи қурол ушлаб, жанг қилган ва қулларни бўйсиндирган киши — Идрис алайҳиссалом эканлар. Шу-шу бу кўҳна дунё каттаю кичик, тенгсиз, адолатсиз, бешафқат, йиллик ҳатто юз йиллик урушлар, жангу жадаллар юқини ортиб келаётган экан.

Икки минг йиллик вақт мобайнида инсоният мамлакат раванқи, тараққиёт, маданият, маънавият, кишилик ҳаётининг кушандаси бўлган урушларнинг моҳияти, нега бунчалар оммавийлиги сабабларини билмоққа интилиб келяпти. Таҳлиллар, иккинчи жаҳон урушидан сўнг ер шарининг турли бурчакларида отилаётган ўқлар, қурбон бўлаётганларнинг бир кун бўлса-да тинмаганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда айрим сиёсатчиларнинг аксарият қон тўкилишлари, террорчилик ҳаракатларининг келиб чиқишини Ислом дини, ислом фундаментализми билан боғлаётганлиги кишини ўйлантиради.

Аслида «фундаментализм» сўзи илк бор 1910 йилда АҚШнинг жанубий штатларида либерал протестантлик рационализишга қарши йўғрилган протестантликдаги ўта консерватив оқимга нисбатан ишлатилган. Протестантлик йўналишининг ўзи XVI асрдаги Реформация даврида католицизмдан ажралиб чиққан эди.

Жаҳондаги мавжуд барча динлар фаолият кўрсатишга ҳақлидир. Негаки, улар инсон ҳаёт тарзи, умумлашқ нормалари, руҳий ҳолатларни уйғунлаш-

ўзинга қайтади», деган динда ёмонлик бўладими?

«Агар бизнинг юрагимиз бўм-бўш бўлса, уни қонунлар билан ҳам, сиёсий ислохотлар билан ҳам тўлдириб бўлмайди», деган эди буюк рус адаби Лев Толстой. Юрагимизни, гуруримизни кўтариб турадиган устун — бизнинг

банликка юз тутати. Асоси эса билимдир. Ақлли одам нодонни тез фарқлаганидек, билимсизлар дунёнинг енгил ўлжасидир. Буни 2004 йил Тошкент шаҳри, Бухоро, Тошкент вилоятларида, шу йилнинг май ойида Андижонда бўлиб ўтган хунрез-

кейин мана шундай бўлишини билиб: «Ҳеч ким ўз (мусулмон) биродарига қурол ўқталмасин, чунки шайтон васваса қилиб жаҳаннам қаърига етаклаётганини билмай қолмоғи мумкин!» деганлар. Экстремист, ақидапараст оқим намояндalари Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга шунчалар ундашиб, даъват этишадик, унинг нима эканлигини билишларига шубҳаланасан киши. Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Бир одам

мутлақо беҳабарлиги ёки ўз фарзли мақсадлари йўлида фойдаланаётганлигига далолат эмасми?»

Жаноб Расулulloҳ саллоллоху алайҳи вассаллам «Дин ўнғайдир, ҳеч ким уни қийинлаштириб юбормағай, мобоодо, қийинлаштириб юборса, дин уни енгиб қўйғусидир (яъни, амали солиҳларни ҳаддан зиёда зиммасига олиши натижасида уларни эплай олмамай, ҳаммасини тарқатишга сабаб бўлғусидир)», деганлар. Бу ҳозирги тил билан айтганда, ҳақиқий демократия эмасми? Ислом дини вақтнинг, тарихий жараённинг, инсон умрининг турли фасл ва шароитларига мослаб тузилганки, ҳар бир одам ундан виждони, вужуди ва борлиқ билан офиятда яшashi учун ўзига кераклисини топа олади.

Мен динимизни азим оқар дарёга ўхшатаман. Бу дарёдан ҳар бир конзот истаганча эҳтиёжи учун фойдаланиши, ювиниб, покланиши мумкин. Унга қўшил-

ЭЪТИҚОД

тиради. Дин барча халқлар учун яшаш меъеридир. Шундай экан, нега айнан Ислом динига тош отилмоқда! Ислом дини насроний ёки Буддизмдан тажовузкорроқми?

Ҳар бир дин каби Исломда ҳам уруш, ноҳақлик зулм ҳеч қачон ёқланмаган. Аксинча, «Агар бир мусулмон киши иккинчи биродарига қурол ўқталса, то қуролни қўйгунча фаришталар унга лаънат айтиб туради», дейилади Ҳадиси Шарифда. Яна бирида «Зулмланаётган кишининг қарғишидан сақланинглар. Зеро, унинг дуосини тўсадиган парда йўқ, агарчи, у кофир бўлса ҳам», дейиладики, бу билан ҳатто кофирлар, яъни динсизларга ҳам зулм-ситам қилинишини қоралайди.

Ислом таълимоти минг йиллар давомида миллиард-миллиард инсонларни ўзига эргаштириб келаётган экан, жаҳонда обрў-эътибори баланд экан, демак, унинг ҳаётий асоси, тағзамири, теран маъноси бор.

«Ҳатто душманингга ҳам яхшилиқ тила, тенг ярми

эътиқодимиздир. Эътиқодсиз одамнинг эса манқурдан фарқи йўқ. Эътиқод эса — панд-насиҳат, ўғит орқали онгимизга киради.

Етмишинчи йиллари «Дин-афъюндир», деган ибора кўп ишлатиларди. Раҳматли ўқитувчимиз Ҳошим ака Сайназаров, —

«Дин оми, чаласавод, билимсизлар учун афъюндир, негаки, уларни алдаш осон», деганларида жуда ҳақ эканлар. Зеро, чаласавод, омиларни дин билан кўрқитиб, мутеликда ушлаш, Аллоҳнинг номидан даъват этиб, бўйинсиндириш, онгини заҳарлаш осон. Дарҳақиқат, уйнинг пойдевори мустаҳкам бўлмаса, у биринчи силкинишдаёқ дарз кетади, ёмғир-қор сувлари таъсирида чўкади. Инсон ҳам худди шундай, тағзамири бўлмаса, биринчи синовдаёқ ту-


ликлар исботлаб турибди. Ўзларини «Ҳизб-ут таҳрир», «Ваҳҳобий», «Акроний» деб атаган (ваҳҳоланки Ислом динида бундай оқимлар мавжуд эмас) галамислар Ўзбекистонда мавжуд тузумни ағдариб халифат тузишга уриниб, ўз миллатдошлари, қавмига қарата ўқ узиши қайси динда кўзда тутилган?! Энг ачинарлиси, кимларнингдир кутқусига учиб, ҳаром (кўпи қалбаки) чойчақасига ҳирс қўйиб биродарлари қонини тўқаётганлиги. Биз шундай халқмидик? Не-не даҳолар етишиб чиққан, оламга илму фан зиёсини тарқатган замин фарзандларими бу?! Улар кимнинг фарзанди ўзи?! Улар ҳеч қандай динга қирмайдиган, эътиқодсиз илонлар, чаёнларнинг фарзандлари эмасми? Мухаммад с. а. в. ўзидан

Набий с. а. в. га: «Жиҳод қилмоқчиман», — деди. Жаноб Расулulloҳ; «Ота-онанг борми?» — дедилар. У «Ҳа» деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: «(Аввал) ота-онангнинг хизматини қилиб, ризолигини олгин, сўнг жиҳод қилгин?» — дедилар. Шу ўринда ўзларини ҳар

моқчи, ўзини унга менгзаган турли оқимлар эса қўлмақ сувга ўхшайди. Вақт ўтиб қуриб боргани сайин сасийверади. Макон қурган қурбақалари вақиллаб ғашингга тегаверади. Ўз қадрини билган, дунё саҳнасида кимларнингдир қўлида ўйинчоқ бўлишни истамаган, ўзини инсоншахс ҳисоблаганлар азим дарёга интилаверишади. Пўпанак босган, иллатлар макон қурган қўлмақларга минбаъд яқинлашмайдилар. **Мухаббат ИБРАГИМОВА.**

ПАНД-НАСИҲАТДИР

Аргентиналик машҳур футбол юлдузи Диего Марадона Куба раҳбари Фидел Кастродан телебошловчи сифатида интервью олиш ниятида. Марадона тўрт йил давомида гиёҳвандлик хасталигидан азият чекиб Гаванадаги тиббиёт марказида даволанган эди. Мазкур марказ ходими собиқ футболчи Куба пойтахтига продюсерлари билан етиб келганини хабар қилди.



XXI аср арафасида компьютерлар тизими ишдан чиқиши ҳақида турли гап-сўзлар кўпайган эди. Кейинроқ бу шов-шувлар асосиз экани маълум бўлди. Аммо вақти-вақти билан шунга ўхшаш ҳодисалар юз бериб турибди.

МАРАДОНА ТЕЛЕБОШЛОВЧИ БЎЛМОҚЧИ



«Диего худди ёш йигитлардек тетик-бардам кўринади», — деди у. Маълумки, Марадона Кастродан жудаям миннатдор. Чунки Куба раҳбари унга кокаин домидан халос бўлишига катта ёрдам берган эди.

Марадонанинг илк кўрсатуви шу йил 15 августда эфирга узатилди. Ушанда у жаҳоннинг энг ёрқин футбол юлдузи Пеле билан суҳбатлашганди. Диего кейинроқ Зайниддин Зидан, Рональдо каби таниқли футболчилардан ва бошқа дунёга машҳур спортчилардан интервью олишни режалаштирган.

НОЁБ СКРИПКА

Қачонлардир буюк итальян бастакорларидан бири Николо Паганинига қарашли бўлган скрипка ким ошди савдосига қўйилгани бўлди. Унинг дастлабки баҳоси ярим миллион фунт стерлинг (887 миң АҚШ долларига яқин) миқдорига белгиланган. Буюк бастакорга тегишли бўлган бу мусиқа асбобини кремлик таниқли уста Карло Бергонци ясаган 50 та скрипканинг биттасидир. Мусиқа асбоби тахминан 1720 йилда тайёрланган. Ушанда Бергонци 40 ёшларда бўлиб, Гварнери ва Страдиваридан кейинги энг яхши скрипка ясовчи уста ҳисобланарди.


ҲОЗИРЧА САБАБИ НОМАЪЛУМ

Масалан, 2001 йил ёзида компьютер тизими панд берганлиги сабабли дунёдаги энг йирик молиявий муассасалардан бири — Нью-Йорк биржаси фаолияти тўхтаб қолган эди. Бу бир соатдан ошиқ вақт давом этди.

Яқинда Токио фонд биржаси марказий компютеридаги носозлик туфайли иш бошлолмай турди. Маҳаллий вақт билан соат 9.00 да савдо бошланиши керак эди. Шунинг учун биржа акциялар бўйича барча савдоларни бекор қилди. Қимматли қоғозлар савдоси тўхтаб қолди. Токио биржасидаги техник носозликлар туфайли Фукуока ва Саппоро шаҳарларидаги биржалар фаолияти ҳам тўхтаб қолди. Уларнинг раҳбарлари ҳатто тахминан қачон иш бошланишини ҳам айтишга қийналишди.

Шунинг учун фонд савдолари Осака шаҳрига кўчирилди. Мижозлар кўпайиб кетгач, бу ерда ҳам техник муаммолар юзга келди. Аммо бу битимлар тузишга ҳалал қилмади. Савдолар давом этаверди.

Носозликлар фақат уч соатдан кейингина бартараф этилди. Маҳаллий вақт билан соат 12.20да Токио биржаси ўз ишини давом эттирди. Ҳозирча ҳодиса сабаблари номаълум.



ИНТЕРНЕТ — «БУЮРТМА» ВОСИТАСИ

Испания полициясидаги баъзи манбаларнинг хабар қилишича, бу мамлакатда кунора буюртма қотилликлар содир этилар экан. Ўртача 50 миң АҚШ доллари турадиган бундай «буюртма»лар кўпинча Интернет орқали бериларкан.

Яқинда Испания пойтахти марказида колумбиялик ёлланма қотил бир адвокатни отиб ўлдирди. Сўнг ёлланма қотиллар испаниялик икки бизнесменнинг буюртмасига кўра Мадридда яшайдиган Экваториал Гвинея фуқаросини ўлдиришлари керак эди. Улар янглишиб бошқа кишини бўғизлашди. Жабрдийда бахтли тасодиф туфайли тирик қолди. Бизнесменлар ҳибсга олинган. Барселонада бўлса сўнгги дақиқаларда яна бир буюртма қотиллик барта-

раф этилди. Мафия ўзининг ноқонуний ер участкалари савдосига ҳалал бераётган маҳаллий сиёсатчини йўқ қилмоқчи эди.

Таъкидланишича, Испанияда буюртма қотиллик бизнеснинг бир турига айланиб бормоқда. Аксар ёлланма қотиллар—колумбияликлар. Айтганча, россиялик ёлланма қотилларни бу бизнесга жалб этишга уриниш муваффақиятсиз туғади. Манбаларнинг хабар қилишича, улар «ўз хизматлари учун кўп пул талаб қилишибди».


ҚАМОҚХОНАДА ТУРИБ...

Сешанба кунини Қирғизистондаги деярли барча колониялар ва тергов ҳибсхоналарида тартибсизликлар юз берди. Республика Адлия вазирининг ўринбосари Сергей Зубов матбуот конференциясида маълум қилишича, бу Бишкек яқинидаги колонияда сақланаётган «қонундаги ўғри» («вор в законе») Азиз Батукаевнинг «буйруғи»га кўра амалга оширилган. Уни Жазони ижро этиши Бош бошқармаси (ЖИЭББ) ходимлари бошқа муассасага кўчиришмоқчи бўлишганида телефон орқали шундай «кўрсатма» беради.

Ҳозирда Батукаев Миллий хавфсизлик хизмати тергов ҳибсхонасига ўтказилган. «Колонияларда вазият аста-секин изга тушяпти. Фақат учта муассасада маҳкумлар очлик эълон қилишган», — деди Зубов.

Матбуот анжуманига кечроқ етиб келган ЖИЭББ бошлиғи К. Мукеев шахсан ўзи Батукаевга мурожаат этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини колонияга қўйишини сўраганлигини айтди. Бу ходимлар шу йил 20 октябрда Қирғизистон парламенти депутати Тиничбек Акматбаевнинг ўлдирилиши билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ўтказишлари керак эди.

Қирғизистон Бош прокурорининг ўринбосари матбуот анжуманида шундай деди: «Батукаевнинг колониядаги камераси худди замонавий офисдек кондиционер, телевизор, компьютер билан жиҳозланган экан». Унинг сўзларига қараганда «офис»дан иккита автомат, тўртта тўппонча, қирқма қурол, ханжарлар, қиличлар, кўп миқдорда гиёҳвандлик моддалари ва ўқ-дорилар топилган.



ҲАЙИТ ШАРОФАТИ БИЛАН

Ийд ал-Фитр шарафига Абу Грейб қамоқхонасидан 500 га яқин маҳкум озод қилинадиган бўлди. «Улардан бирортаси ҳам ироқлик аскарлар, тинч аҳоли ёки иттифоқчи қўшинларга қарши жиддий жиноят содир этишмаган», — дейилади Пентагоннинг баёнотида.

Эсингизда бўлса, айнан шу қамоқхонада бир гуруҳ ироқлик маҳкумлар америкалик ҳарбийлар томонидан хўрланган ва ҳақоратланган эди.



КАНАДАГАЧА ЕТИБ КЕЛДИ

Америка қитъасидаги бу мамлакатга учиб келган ёввойи ўрдакларда парранда гриппи топилди. АҚШ-лик орнитологлар дарҳол бу вирус ўта хавфли H5 №1 вируси бўлмаса керак, деб баёнот беришди.

Канадалик тадқиқотчиларнинг айтишича, Квебек ва Манитоба провинцияларида 30 дан ортиқ ўрдакни текшириш бўйича ҳал қилувчи натижалар ҳафта охирида маълум бўлади. Ушандагина топилган вирус H5 нинг қайси тури эканлиги аён бўлади.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, илмий адабиётларда ҳали одамга ёввойи қушлардан парранда гриппи юққанлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Овчилар ва ошпазлар ана шундай хавфли тоифага мансуб кишилар ҳисобланади. Шунинг учун мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолини гигиена қоидаларига риоя қилиш ва эҳтиёт бўлишга чақирмоқда. Ҳозирча Хорватия, Туркия, Руминия ва Россия каби мамлакатларда парранда гриппи тарқалгани расман тасдиқланган.



ЎЛДИРГАНИ ЕТМАГАНДАЙ

Буюк Британиядаги йирик ёқилғи қуйиш шохобчаларидан бирининг хўжайини 43 ёшли Ховард Симмерсон ўзининг жазманини отиб ўлдириб, мурдасини машинанинг мой солиш бочкасига жойлаган. Йўлда бочкани мойга тўлдириб олган.

Қотилликдан кейин орадан 12 соат ўтиб бошқа бир жазмани — 20 ёшли Шарлотта Мелланд билан кўнгилхушлик қилган. Айш-ишратдан сўнг жиноят изларини яширмоқчи бўлади. Шарлоттанинг отасидан унинг фермерлик хўжалигига қарашли ерга мурда солинган бочкани кўмишга рухсат сўрайди. Рад жавобини олгач, узоқ ўйлаб ўтирмасдан бочкани Честерфилд шаҳри яқинидаги машиналарнинг ашқол-дашқоллари ташланадиган ахлатхоналардан бирида қолдириб кетади.

Мархума Жулия Тернер 24 ёшли ноқонуний эри, икки ўғли билан бирга яшаган. Кейинроқ Симмерсон билан дон олиша бошлаган. Жазмани

аёлга қимматбаҳо кийим-кечаклар, тақинчоқлар ҳада этиб турган. Қотиллик юз берадиган кунини ҳам унга умий нархи 2,8 миң фунт турадиган 3 та сумкача совға қилган эди.

Қотил ҳозирча айбини бўйнига олмаяпти. У сўроқ чоғида: «Тўппончани жанжал кўтарган Жулиянинг қўлидан тортиб олаётганимда тасодифан отилиб кетди», — дедан.

Ваҳоланки, у қотиллик қилганидан сўнг мархуманинг ота-онасига уяли телефон орқали уларнинг иззатнафсига тегувчи ёзма хабарлар юборган. Шунинг учун прокурор айбдорга нисбатан энг оғир жазо қўлланилишини суддан сўрамоқчи.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР – ИНСОН ЭРКИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, кўплаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан бир қатор муҳим халқаро конвенциялар ратификация қилинди. Ана шу конвенциялар ва бошқа халқаро ҳужжатлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига тегишли бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгандир.

Туб ислохотлар даврида инсон ҳуқуқлари соҳасида ижобий натижалар яққол кўзга ташланмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳар бир шахснинг муҳим эҳтиёжлари ва манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда қондириш ва тараққиёт манбаи сифатида қарашни бугунги кунда фуқаролар англаб етмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари – бу жамиятнинг энг асосий олий қадрияти, ҳимматидир. Шунингдек, муҳим конституциявий институт ҳисобланиб, бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидлари ва ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талабидир.

Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар халқимизнинг эрки, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирмоқда. Энг аввало, у халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний қадрияти ва бирламчи тамойилига суянади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий қонунчилигида асрлар давомида тан олинмай келинган инсон ҳуқуқлари ҳаётини мустақил қадрият, унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари сифатида тан олинди, мамлакатнинг олий қонуни – Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир демократик давлатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам миллатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожлантирилмоқда ва шу йўл билан бойитиб борилмоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шахс давлатдан инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларни ҳуқуқий ҳимоянинг ҳам миллий, ҳам халқаро механизмларидан фойдаланган ҳолда бажаришни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга халқаро мажбуриятларни самарали ижро этишнинг аниқ мақбул воситалари, усул ва тартиб-қоидалари тўғрисидаги масалалар давлатларнинг ўз ички ваколати доирасига кирди ва улар томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатларда тартибга солинади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган тамойил ва нормалари деганда, асосли равишда барча давлатлар учун юридик жиҳатдан мажбурий бўлган, императив кучга эга тамойил ва нормалар тушунилади.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиб кириши муноса-

бати билан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормалари талабларини бажариш одил судлов ва бошқа юридик соҳалари учун алоҳида аҳамият касб этди.

Давлатимизда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бирор бир даражада қамраб олган кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бундай ҳужжатлар нафақат мамлакат қонунчилиги, айни пайтда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан кейингина мажбурий юридик кучга эга бўлади.

Инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро нормаларнинг Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларида ўз ифодасини топаётганини улар ижтимоий-юридик мавқеи ва мазмунига давлатнинг ички кафолатлари тузилиши ва ўзига хос хусусиятларига кўра бир-бирига яқинлашиб бораётганини Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар ёрқин далили бўла олади. Хусусан, республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларини таъкиллаб ўтиш жоиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси суверен давлат бўлганлиги учун ратификация қилган барча халқаро, жумладан, 1948 йилги Умумжаҳон декларацияси ва 1966 йилги инсон ҳуқуқлари оид Пактларда қайд этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг деярли барчаси амалда Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам тегишлидир.

Конституциявий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларнинг бевосита амал қилиши тамойили бу ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятнинг биринчи қадрияти сифатида аҳамиятли эканлигини ва давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалар инсонларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб, уларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериши ва бурчлар юклайди.

Амалдаги Ўзбекистон Конституцияси шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг барча шакллари тенглиги, бўлимсизлиги ва ўзаро боғлиқлигини этироф этади. Халқаро ташкилотлар бундай ёндашувнинг зарурлиги ва муҳимлигини бир неча марта расман уқтирган эди. Жумладан, 1986 йилда БМТ Бош Ас-

самблеяси «Иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг бўлимсизлиги ва бир-бирига ўзаро боғлиқлиги» тўғрисида махсус резолюция қабул қилди. Унда ҳар бир шахс фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар каби иқтисодий, ижтимоий ва моддий ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги қайд этилган.

Шу билан бирга шахснинг кенг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш унинг мутлақ эркинлигини англамайди. Чунки, бу ижтимоий талабларнинг чегардан чиқиб кетишига, ўз хоҳишига эрк беришга ва бошбошдоқликка, шахсларо келишмовчиликларга, шахсий ва ижтимоий манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқ ва эркинликлар ўз хусусиятига кўра чегарасиз бўла олмайди. Бундай чеклашларнинг умумий қоидалари халқаро ҳуқуқ нормаларида мавжуд. Ҳуқуқлар ва эркинликларни қонуний чеклаш мезонлари қаторида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида демократик жамиятда бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини лозим даражада ҳурмат қилиш ва тан олиш, ахлоқ, жамоат тартиби ва умум фа-

ровонликнинг адолатли талабларини қондириш илгари сурилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт эса бундай мезонлар қаторига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни назарда тутди.

Бу масала Ўзбекистон қонунчилигида ҳам этироф этилган. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 20-моддасида «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт» эканлиги қонуни мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳар қандай шахс жамият олдида муайян мажбуриятларга эга бўлиб, бурчларга риоя қилади. Инсон ҳуқуқларини тўла этироф этган энг демократик давлатларнинг фуқаролари ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг ўзига хос томони шундаки, ҳуқуқий мажбуриятлар ва бурчлар биринчи навбатда ижтимоий жамоатчилик манфаатларини ва улар воситасида шахсий манфаатларни ифода қилади.

Ҳуқуқ ва бурч бирлиги тамойили бир қатор халқа-

ро ҳуқуқ ҳужжатларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу жиҳатдангина унинг шахси эркин ва тўла камол топиши мумкин, деб таъкиллаб ўтилади.

Бундай мазмундаги қоидалар 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактларда ҳам мавжуд. Чунинчи, уларнинг муқаддаслигида ҳар бир инсоннинг бошқа одамлар ва ўзи мансуб жамоага нисбатан мажбурият, Пактларда тан олинаётган ҳуқуқларни рағбатлантириш ва уларга риоя этишга эришиш бурчи кўрсатиб ўтилади.

Шундай қилиб, халқаро-ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги шаклланиши билан унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда, инсон ҳуқуқларига оид қонунлардан ташқари жиноят, жиноят-ижроия, маъмурий-фуқаролик, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг такомиллашувига улар мунтазам равишда ёрдам бермоқда. Республикада суд-ҳуқуқ ислохотларининг ўтказилиши, жиноят ва жиноят-про-

цессуал қонунларни либераллаштириш жараёни ҳам халқаро андозаларга мос бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка тадбиқ этилишига ёрқин далилдир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади, яъни халқаро ҳуқуқий нормаларга таянган ҳолда миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва менталитетимизни инобатга олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини такомиллаштириш, пировард натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва муҳофаза этишда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Шундагина Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш механизми халқаро ҳуқуқий нормалар асосида ривожланади ва инсон эркиннинг кафолатини таъминлашга хизмат қилади.

Абдуғафур САТТОРОВ,
Республика ИИВ ШТБИХ
бошлигининг
ўринбосари, полковник.

ИНСОН – МУКАРРАМ ЗОТ

Инсонийлик одоби ва фазилатлари хусусида

Одам бошқа мавжудодлардан ақли, идрокли, фикрлаш каби қобилиятлар билан яратилгани учун ажралиб туради. Бироқ у тугилгандан бошлаб, ёшига қараб тарбияланиб бориши зарур ва шартдир. Йўқса, инсонийлик фазилатлардан бебахра бўлиб, бадхулқ бўлиб қолади. Жамиятимизда қалби пок, иймон-этиқоди мустаҳкам, ҳалол-покиза, комил инсонлар кўп бўлса, ривожланиш, тараққиёт йўлидаги тезроқ айланади.

Инсон ҳар томонлама гўзал бўлиши керак, деймиз. Унинг гўзаллиги чиройи, бежирим кийимларида эмас, албатта. Виждони тоза, ҳалол ва яна инсон учун зарур бўлган ижобий хислат, фазилат ва одобларга эга кишилар жамият кўрки ҳисобланади.

Одоб сўзининг маъноси жуда кенг турлари, кўриниши ҳам кўп. Инсон учун уларнинг ҳаммаси зарур, комил инсонда барча яхши фазилатлар намоён бўлиши керак, деймиз. Шу ўринда уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Инсон, аввало, ширин муомалала бўлиши керак. Муомала одоби инсоннинг жамиятдаги, оиладаги, жамоадаги ўрнини, обрў-этиборини билдиради. Ширинкаломлик фазилатига эга бўлганларнинг ҳар ерда ҳурмати баланд бўлади.

Саломлашнинг ҳам ўзига хос қоидалари борки, уни яхши билганлар ибратлидирлар. Чин дилдан саломлашган кишиларнинг ўзаро меҳр-оқибатлари ҳам мустаҳкам бўлади.

Дўстлик, қардошлиқ, биродарлик ришталарини боғлаш инсонийлик одобларидан яна биридир. Бу билан одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, аҳилликда яшашнинг эшиклари очилади.

Биз комил инсон ҳақида гапирар

эканмиз, бунинг учун таълим-тарбияга катта эътибор билан қарашимиз керак. Тарбиянинг ҳам кўлами катта. Унинг энг биринчиси – илм ўрганиши. Куръони каримда бежиз «Бешикдан қабргача илм изла», деб айтилмаган. Илм катта уммонга ўхшайди. Уни «ичиб» таомлаб бўлмайди. Илм кишининг эса одоб, ахлоқи юксак даражада бўлади. Илмсизлик кишини жаҳолатга етаклайди, унинг онги ривожланмайди, инсонийлик фазилатларини яхши англамайди.

Инсоннинг одоб-ахлоқи ҳақида гап борса, биринчи галда кўп асрлик қадриятларимизни ривожлантириш, анъана, удумларни давом эттириш билан уларни янада гўзаллаштириш мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз. Шарқдаги инсонийлик фазилатлари дунё халқларига ибрат эканлиги билан фахрлансак арзийди. Меҳмондўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, саховатпешалик ажлоларимиздан мерос.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эътиқод эркинлигига йўл берилди. Биз кўп асрлардан бери давом этиб келётган диний таълимотлардан бахраманд бўлдик. Исломи дини ўзининг панд-насихатлари билан кишилар қалбини ром этади. Куръони карим, Ҳадиси шариф намуналаридан бохабар бўлган кишида ва унга амал қилганларда инсонийликнинг гўзал фазилатларини кўриши мумкин. Инсонларни одоб ва ахлоқий этиб тарбиялашда диннинг аҳамияти кучли эканини эътироф этиш жоиз.

Ички ишлар ходимларининг жа-

миятдаги ўрни, нуфузини белгилайдиган нарса уларнинг одоб, ахлоқи ҳамдир. Республика ички ишлар ходимларининг «Касб одобномаси»да уларнинг қандай фазилатларга эга бўлиши кўрсатиб берилган. У биринчи галда одоб, ахлоқи билан бошқаларга ибрат бўлиши зарур. Чунки у ҳар кун унлаб фуқаролар билан учрашади, мулоқот қиладилар. Уларнинг муомаласи, кийиниши, фуқароларга бўлган муносабатини кўрганлар яхши ёки ёмон фикрини бутун республикадаги ички ишлар ходимларига нисбат бериб айтиши мумкин.

Бироқ гуруч курмакисиз бўлмаганидек, айрим ходимларнинг кўпол муомаласи, одобсизлиги ҳақида эшитиб қоламиз. Бундайларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши бошқалар учун ибрат бўлади.

Инсонийлик фазилатлари уни гўзал қилиб кўрсатади. Яхши хулқ, одобга эга инсон жамият фахри дидик. Инсон ҳаётда тинч, хотиржам яшашни истаса, бошқаларга зарари тегмаслиги керак. Чунки ҳаёт қонуни бор: кимки бировнинг дилини оғритса, унинг дилини оғритадиганлар ҳам топилади.

Ҳаётда қандай яшаш инсоннинг ўзига боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Жамиятда унинг бойлиги, мансабидан кўра, яхши фазилатларига қараб ҳурмат қилинади. Бадавлат кишилар танаазулга учраганда атрофида парвона бўлиб юрганлар тезда йўқолиб қолиши мумкин. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Инсон гарчи гўзал хулқли, фазилатли бўлиши истар экан, яхшиларга эргашиш, ёмондан йироқ бўлиш, инсонийлик одобининг қоидаларини ўрганиш, фазилатларни ўзига одат қилиш орқалигина бунга эришиши мумкин.

Худудда бирорта хуқуқбузарлик ёки кўнгилсиз воқеа рўй берса одамлар биринчи галда профилактика инспекторига мурожаат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу хизмат вакиллари доимо халқ орасида, улар билан ҳамнафасдирлар.

Профилактика катта инспектори, майор Абдуназар Шералиев хизмат қилаётган Чилонзор туманидаги 19-мавзеда ўн саккиз ярим минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу худудда профилактик ишлар яхши йўлга қўйилгани туфайли жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга камайди.

— Абдуназаржонни доим одамлар орасида кўраман, — дейди биз билан суҳбатда «Кичик хирмонтепа» маҳалласи

ЭЛ ИШОНЧИ — ЮКСАК ИШОНЧ

оқсоқоли Адаш Йўлдошев. — У хушмуомала, фидойи ва жамоатчилик билан мустақкам алоқа ўрнатганлиги боис, кўпчилик хурматига сазовор бўляпти.

Абдуназар ака 17 йилдан бери ички ишлар соҳасида. Дастлаб Тюмень шаҳрида тажриба орттириб келиб, пойтахтнинг Учтепа тумани ИИБ воя-



ҚОҒОЗДА БОРУ, АМАЛДА...

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Жисмонан соғлом ва маънан етук фарзандлар. Ватанимизнинг ёрқин келажигидир. Шунинг учун ҳам уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига ҳурмат, бурчга содиқ, комил инсонлар қилиб тарбиялаш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Бу муҳим, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масалани ижобий ҳал қилишда оила, мактаб, маҳалла ва ички ишлар тизими ходимларининг ҳамкорликда иш олиб боришлари давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

Хоразм вилояти ИИБ ва вилоят халқ таълими бўлими ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм, гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг хуқуқий билимини кенгайтириш борасида бир қатор ишларни амалга оширдилар. Айниқса, ички ишлар, халқ таълими тизими фахрийлари иштирокида таълим муассасаларида ўтказилган «Хушёрлик — давр талаби», «Огоҳ бўлайлик», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларидаги маънавият дарслари, «Диққат, болалар!», «Эҳтиёт бўлинг, тилсиз ёв», «Ғамхўрлик», «Соғ танда соғлом ақл» мавзуларидаги маънавий-маърифий, оммавий спорт тадбирларида юзлаб ўқувчилар иштирок этишмоқда. Вило-

ят ИИБ ШТБХИХ ва «Динамо» спорт жамиятининг «Осоёйишталлик учун» газетаси соврини учун ўтказган спорт мусобақасида ички ишлар ходимлари фарзандларидан ташкил топган 15 жамоа иштирок этди.

Ички ишлар тизимида қарашли милиция таянч пунктлари қошидаги турли тўғарак ва клубларга, спорт секцияларига ўнлаб мактаб ўқувчилари, ўсмирлар жалб қилинмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида «Яшил чироқ», «Қалқон», «Ёш посбонлар», «Ёш ўт ўчирувчилар», «Истиқлол қомуси», «Адолат» каби клублар ташкил қилиниб, уларнинг ишларини мазмунли олиб боришда фахрийлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Бугунги кунда шаҳар, туман ички ишлар бўлимида 362 нафар ўқувчи профилактик

ҳисобда туради. Уларнинг ҳар бири мактабдан ташқари муассасаларнинг директорлари буйруқлари билан тўғаракларга бериштилган-у, аммо бу ҳақда на тўғарак раҳбари, на бола ва на унинг ота-онаси билади. Бу қоғозбозликдан наф йўқлигини нахотки халқ таълими тизимидаги масъул ходимлар билишмаса?

Ҳар қандай қарор ижроси билан мақбулдир. Юқоридаги қўшма қарор ижросини таъминлаш ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда ижобий роль ўйнашини ҳисобга олиб, шу масалада масъул ходимлар амалий ишга ўтишади, деган умиддамиз. Зеро, ёш авлод тарбияси учун барчамиз масъулмиз, бирорта бола эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки тарбиячилар учун боланинг бегонаси бўлмайди.

Мақсуд ХУДОЙБЕРГАНОВ,
майор.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

ҚАБРИСТОНДАГИ ЎҒРИЛАР

Рамазон ойи арафасида аждодлари қабрини зиёрат қилишга борган ҳазораспик Уктам Юсупов кўз олдидаги манзарадан ҳайратга тушиб, қотиб қолди: отаси билан тоғасининг қабрига ўрнатилган панжара, мрамор тошларни кимдир синдириб, олиб кетганди. Уктам бу ҳақда туман ИИБга хабар қилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу ўғирликни содир қилган Д. Ойбек ҳамда Д. Борзобойлар далилий ашёлар билан қўлга олинди.

МАҚСАДИГА ЭРИШОЛМАДИ

Жорий йилнинг 17 сентябрь кунини Янгибозор туманида яшовчи аммасиникига мекмонга борган хонқалик Ю. Гулноза кеч соат 20.00 ларда уйига кетиш учун йўлга чиқди. Шу кунини урганчилик Ю. Эдуард ҳам шахсий иш-

лари билан Янгибозорга борганди. Қайтишда ўтаётган машиналарга қўл кўтараётган кизини кўриб, тўхтади.

Ю. Эдуард автомашина салонида ўтирган қизга разм солар экан, унинг кулоғи ва бўйнидаги тилла тақинчоқлар ақлини олиб, машинанинг рулини «Туркман-ярмиш» кичик канали томон бурди. Ҳимоясиз кизнинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, бир жуфт сиргаси, тилла узуги ҳамда бўйнидаги занжирни куч ишлатиб, юлиб олиб, ўзини каналга итариб юборди ва воқеа жойидан жуфтакни ростлади.

Дала юмушларини тамомлаб, уйларида қайтаётган инсонлар сувда оқиб кетаётган Гулнозани кутқариб олишди ва бу ҳақда Янгибозор туман ИИБга хабар қилдилар. Ходимларнинг тезкор ҳаракатлари туфайли Ю. Эдуард излаб топилди. Ушбу иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ГУЛ ЎРНИГА... «ДАМАС»

Одатда йнгитлар қизларга совға тариқасида гул беришади. Хивалик Х. Хурсанд эса совға беришнинг антиқа усулини ўйлаб топди. У таниши Я. Мақсудага «Дамас» автомашинасининг рулини топширди. Мақсуда бундай саҳийликка «рахмат», дея жавоб бериб, шу ондаёқ рулга ўтирди. Йўл ҳаракати қондаларидан мутлақо беҳабар «ҳайдовчи» қарамақарши йўналишда ҳаракатланаётган велосипедчини уриб юборди. Натижада оғир тан жароҳати олган велосипед ҳайдовчиси туман касалхонасида вафот этди.

ЖАНЖАЛКАШ ҚЎШНИЛАР

Халқимизда «Кўшничлик — минг йилчилик», «Гилям сотсанг кўшнини сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан» каби

етаганлар билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи бўлди. Кейинчалик турли хизматларда самарали фаолият кўрсатди. Бундан беш йил бурун эса Чилонзор тумани ИИБ ҚООБ катта инспектори этиб тайинланди. Айни пайтда Тошкент шаҳрининг гавжум мавзеси «Хирмонтепа» ва «Кичик хирмонтепа» маҳаллаларида тинчлик ва осойишталикни таъминляпти. Маҳаллада профилактик ишлар аниқ режа асосида ташкил этилаётгани, маҳалла аҳли ва фаоллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйилгани туфайли бу ерда содир этилаётган жиноятлар сони камайди.

— Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб шунини айтишим мумкинки, профилактика инспектори ўзи хизмат қилаётган худудда халқ ишончини қозона олиши керак, — дейди майор Абдуназар Шералиев. — Қолаверса, осойишталикни таъминлашда кўпроқ жамоат тузилмалари кўмагига суяниши зарур.

Кўриниб турибдики, Абдуназар ака, профилактика инспекторлари ва маҳалла посбон-

лари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишяпти. Бу эса маҳаллада хуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келаяпти. Албатта бунда профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Абдумалик Ҳакимов, Шухрат Абдурахмонов, лейтенант Темур Мусаев, маҳалла посбонлари сардори Шокир Нуруллаевларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Яқинда Абдуназар ака билан Шокир Нуруллаев тунда худудни кўздан кечириб юришган эди. Бир ўспирин уларда шубҳа уйғотди. Унинг ёнидаги халтада кўп қаватли уйларнинг биридаги лифтанг умарилган эҳтиёт қисм борлиги маълум бўлди. Осойишталик посбонларининг хушёрлиги туфайли мулк яна ўз жойига қайтарилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, профилактика катта инспектори, майор Абдуназар Шералиев каби фидойи инсонлар бор экан маҳаллалар тинч бўлиб, юртимизда осойишта ҳаёт ҳукм сураверади. Энг асосийси, одамлар ана шундай самимий, камтарин, ҳар ишда қўллаб-қувватлайдиган посбонларга таянади. Бундай эътиборга сазовор бўлишдан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

«ПИЁДАГА ЙЎЛ БЕРИНГ!»

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Йўл қондаси — умр фойдаси, деб бежиз айтилмайди. Йўлда ҳаракатланиш тартибига амал қилган одам, аввало, ўзининг хавфсизлигини таъминляпти. Лекин автомобиль бошқараётганлар ҳамда пиёдалар томонидан содир этилаётган кўнлаб қондалар бу борадаги вазият анча жиддий жағлигини кўрсатмоқда. Масалан, шу йил 27 сентябрь кунини Андижон шаҳри Қўшариқ даҳасида яшовчи С. Қаюмов «Тико» автомашинасида Избоскан тумани худудидида катта тезликда бораётган бошқарувни элай олмай йўл четидидаги ариққа тушиб кетади. Натижада машина йўловчиси, 5 ёшли М. Мансуров оғир тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этди.

Балиқчи туманида яшовчи О. Давлатовнинг йўл қондаларига бепарво муносабатда бўлиши кўнгилсизлик билан яқунланди. У «Андижон-Балиқчи» автомобиль йўлининг белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётганида Ж. Ғозиев бошқариб келаётган «Форд» русумли микроавтобус билан тўқнашиб кетади. Бунинг оқибатида оғир тан жароҳати олган пиёда О. Давлатов касалхонага етмай вафот этди.

Умуман, йилнинг ўтган даврида вилоят худудидида 670 тадан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилиб, 144 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, пиёдалар, айниқса, ёш болалар ўртасида йўлларда ҳаракатланиш қондаларига қатъий риоя этилишини кенг тарғиб қилиш мақсадида Андижон ви-

лоят ҳокимининг фармойишига асосан 1 октябрдан 1 ноябргача «Пиёдага йўл беринг!» шiori остида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Тадбир давомида барча шаҳар ва туманлар автокорхоналари, умумий таълим ва касб-ҳунар коллежларида ҳайдовчилар ҳамда пиёдалар ўртасида йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиниши ҳақида суҳбатлар, амалий машғулотлар ташкил этилди. Йўловчи ташиш билан шуғулланаётган барча транспорт воситаларига эслатмалар, транспорт қатнови кўп бўлган чорраҳаларга плакатлар қўйилди.

Ҳар бир фуқаро йўл ҳаракати қондаларига қатъий амал қилиб, ўз саломатлигининг қадрига етсагина юқоридаги каби нохуш ҳолатларининг олди олинади.

Бахтиёр АХМАТОХУНОВ,
полковник.

ЭҲТИЁТКОРЛИККА РИОЯ ҚИЛМАГАЧ...

Шовот тумани Махтумқули номли ширкат хўжалигида яшовчи Шавкат Жуманиёзов бир неча йилдики «Кули Гулжон» фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда. 43 ёшли фермер эҳтиётсизлик туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолди. Гап шундаки, у шол янчиш комбайнининг олдида туриб, оёғи билан қувурга шол пояларини тикмоқчи бўлган эди. Қутилмаганда комбайн унинг ўнг оёғини амлаб кетди.

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.

пурмаъно мақоллар бор. Урганч тумани «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи К. Илҳом юқорида келтирилган мақолларни эшитмаган кўринади. Йўқса, арзимаган жанжал туфайли қўшниси Нуриддин Дўстметовнинг кўкрак қисмига пичоқ урмаган бўларди. Маалакали шифокорларнинг ёрдами билан Нуриддиннинг ҳаёти сақлаб қолинди. Илҳом кўшнисидан кечирим сўради, албатта. Лекин у терговчиларнинг саволларига жавоб қайтаролмасдан, қилмишидан пушаймон эканлигини билдириб, афсус чекмоқда.



... Эгамберди зўрга кўзини очди. Аммо ҳеч нарсани кўролмади — аллақандай қизғиш парда ҳалал берди. Қараса — бошидан қон оқарди. Энди ўзининг ППХ бўлини маси навбатчилик қисмида эканини пайқайди. Рўпарасида — девор тагида қўллари орқаларида боғланган бир неча ҳамкасби қонга беланганча инграб ётишарди. Хона ўртасида автомат кўтарган нотаниш кимса устундек қаққайиб турарди.

— Ҳа, кўзингни очдингми, капитан? — киноя билан сўради у. — Ўзингни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи бўлдингми? Ма, камига ҳақингни ол! — жангари автоматнинг стволи билан Қамчиевнинг қорнига урди.

Эгамберди чайқалиб полга йиқилди. Бир неча дақиқадан сўнг оғриқ пасайгач юз берган воқеаларни хотирлай бошлади.

Эрталаб тезкор-тергов гуруҳи таркибида тергов талбирларида қатнашди. Кечкурун уни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, катта лейтенант К. Йўлдошев билан милиция таянч пунктлари ишини текшириш учун юборишди. Текшириш якунлангач, офицерлар ҳисобот тузишни эртасига қолдириб ўтирмаслик учун ҲООБга йўл олишди. Кутилмаганда Йўлдошевнинг хонасига тўппончалар билан қуролланган тўрт кимса

Андижон воқеалари бўлиб ўтганига ҳам мана ярим йил бўляпти. Ўша мудҳиш воқеаларнинг тафсилотлари одамлар хотирасидан аста-секин ўчиб бораёпти. Аммо капитан Эгамберди Қамчиев ҳамон кечалари яхши ухлолмайди. Тунлари унга хотиралари тинчлик бермайди. Гўёки ҳаммаси кечагина юз бергандек.

бостириб киришганда улар ҳисоботни тугатай деб қолишганди.

— Қуролларинг борми? — сўради кимсалардан бири.

— Ўзларинг кимсизлар? Нега менинг қуролим билан қизиқа-япсизлар? — дея Эгамберди жойидан сакраб турди.

— Ўтир, капитан! Биз акромийлармиз. Шаҳар бизнинг қўлимизда. Ўзларингни яхши тутсаларинг,

диган хонанинг қулфини бузиб ичкари киришди. Қуролларни юк машинасига ортишди.

— Биз билан борасан, — деди босқинчилардан бири ва уни автомат ўқталиб кўчада турган «Дамас» машинасига олиб чиқди.

Машина жойидан кўзғалиб, бир неча дақиқа ўтганидан сўнг жазони ижро этиш муассасаси олдида тўхтади. Йўл ёқасида

арча тагига яширинди. Ичкарида ўқ овозлари, яраланганларнинг инграгани эшитилди. Бу даҳшатли воқеалар қанча давом этганини Эгамберди эслолмайди. Ниҳоят отишма овозлари пасайиб, дарвозадан маҳкумлар чиқиб кела бошлашди. Шу ёрнинг ўзида уларга қурол тарқатилди.

— Қўлига қурол олиб, озодлик учун жанг қилишни истамаганлар жойида отиб

Оила аъзолари югуриб чиқиб, уни уйга олиб киришди.

— Телефонни бу ёққа олиб келинглар, шошилишч қўнғироқ қилишим керак, — деди Эгамберди ва бармоқлари қалтираганича ЙХХБ навбатчилик қисми рақамини терди. Гўшакни подполковник Ш. Мамадалиев олди.

— Мен капитан Қамчиевман! ППХ батальонига қуролли



кезлари спорт билан шуғуллана бошлади. «Динамо» ЖТСЖда самбо тўғараги очилганини эшитиб, шу тўғаракка ёзилди. Мазкур спорт тури бўйича вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор голиб чиқди. Мактабни битиргач, ҳайдовчилик курсини тугатиб, армияга чақирилди. Ҳарбий хизмат даврида ҳам кураш, самбо билан шуғулланишни давом эттирди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач Андижон шаҳар ИИБга милиционер-ҳайдовчи вазифасига қабул қилинди. Сиртдан Саратов ўрта махсус милиция мактабини тугатди. Сўнг Андижон вилояти ички ишлар идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Мана, йигирма йилдан ошайптики, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ишлайди. Ҳозирда у Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ техник назорат бўлими инспектори.

Э. Қамчиев оилапарвар инсон. Умр йўлдоши Барчиной билан тўрт фарзандни вояга етказиб, элга қўшишди.

Капитан Эгамберди Қамчиев хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва фидойилиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.

ҲАЁТ-МАМОТ ЧЕГАРАСИДА

тирик қоласанлар. Рацияларингни менга беринглар!

Қамчиев секин кўзғалиб, гўё ўзини рация узатмоқчидай кўрсатиб, тўсатдан самбо усулларини кўллади. Бир неча сония ичида босқинчиларни ҳар томонга йиқитиб ташлади.

Йўлакка югуриб чиқса, бир неча жангари унга автомат ўқталишди. Хонадан «чақирилмаган меҳмонлар» отилиб чиқиб офицерга ташла-нишди. Унинг чайир қўллари қайиришди.

— Тўртовинг бўлиб бир ўзига бас келолмадиларингми? — дея заҳарханда қилди автоматли жангарилардан бири ва Қамчиевнинг бошига қуролининг қўндоғи билан урди. Қон фаввора бўлиб отилди. Эгамберди хушини йўқотди...

... Террорчилар пайтдан фойдаланиб қурол-аслаҳа сақлана-

кўплаб машиналар қаторлашиб турар, тўпланган қуролли одамлар ниманидир кутишарди.

— Ҳозир назорат-ўтказиш пунктига бориб, дарвозани очишларини сўрайсан, — Қамчиевга буюрди террорчилар тўдабоши-си (у Қобул Парпиев эди), — акс ҳолда сени отиб ташлаймиз!

— Ўлдирсангизлар ўлдиравинглар. Барибир буйруқларингизни бажармайман, — деди қатъий оҳангда капитан. Шу сўзларидан сўнг у қора калтак остида қолди.

Шу пайт катта тезликда келган «ЗИЛ-131»-русумли автомашина қамоқхона дарвозасини бузиб ўтди. Террорчилар худди буйруқ берилганидек бақариб-чақириб ичкарига ёпирилишди. Қамчиев қулай фурсатдан фойдаланиб девор ёнидаги манзарали

ташлансин, — янгради кимнингдир буйруғи.

Қамчиевни бу ёққа олиб келган террорчилар уни эслаб, излашга тушишди. Улар кўп қаватли уй олдини кўздан кечиришди, буталарга қарата тартибсиз ўқ узишди.

Кутилмаганда «Машиналарга ўтиринглар, вилоят ҳокимиятига борамиз!» деган буйруқ янгради. Қуролланган жангарилар тезда машиналарга ўтириб, тўрт томонга ўқ узиб, йўлга тушишди.

Ҳаммаёқ тинчигач, Эгамберди яширинган жойидан чиқиб, айланма йўллар билан уйи томон йўл олди. Йўлда бир неча марта йиқилиб тушди, хушидан кетди, яна ўзига келиб, жойидан туриб, йўлида давом этди.

Уйига етиб борганида соат тунгги уч эди. Қизи қонга беланган отасини кўриб қўрққанидан хушини йўқотди.

ҳужум қилинди! Турмага ҳам! Қуролли кимсаларнинг каттагина гуруҳи вилоят ҳокимиятига йўл олишди! — деди у баланд овозда.

— Ўзингизнинг аҳволингиз қандай?

— Яраланганман.

Қизи билан келини Эгамбердининг ярасини боғлашди. Тонг отгач, қўшниси ўз машинасида уни вилоят шошилишч тиббий ёрдам марказига олиб борди. Бу ерда операция қилинган, уни бир неча кундан сўнг Тошкентдаги ҳарбий госпиталга юборишди. Кейин Намангандаги физиотерапия шифохонасида муолажани давом эттирди. Сентябрь бошларида Қамчиев яна хизмат вазифаларини бажаришга киришди.

Эгамберди Қамчиев 1957 йилда Андижон туманида туғилган. Мактабда ўқиган

ХИЗМАТЛАРДА



КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Фарғона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари жамоат тартибини сақлаш, жинойatchиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.

Фарғона шаҳар ҳудудида хизмат олиб бораётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони ходимлари ўз фаолиятлари давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари билан тез-тез мулоқотда бўлиб туришади. Кўпни кўрган оқсоқолларнинг жўяли маслаҳатлари ҳудудда осойишталикни таъминлашда қўл келмоқда.

Суратда: патруль-пост хизмати батальони отряд командирининг ўринбосари, катта лейтенант Фарҳоджон Собиров Фарғона шаҳридаги «Машъал» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан.

Б. ОМОНЗОДА олган сурат.

Пойтахтимизнинг кўркам гўшасида қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейи аллақачон халқимизнинг табаррук маскани, қутлуг қадамжосига айланган. Чиндан ҳам Амир Темур хиёбони бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг кўзи бўлиб қалб ва кўзларни яшнатади. Шарқ ва ғарб меъморчилик анъаналари уйғунлашиб кетган, ўзига хос бетакрор услубда қурилган муҳташам, фусункор музей биноси ўтмиши ва келажаги буюк юрт бунёдкорлигининг яна бир намунаси сифатида қаршингизда намоён бўлади.

Музей буюк Соҳибқироннинг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланаётган кунларда — 1996 йил 18 октябрда очилган эди. Ўзининг илк кунлариданоқ музей муҳим илмий, тарбиявий-маърифий марказга айланди. Ўтган тўққиз йил давомида бу ерга бир ярим миллиондан ортиқ киши ташриф буюрган. Шунинг ўзиёқ халқнинг ўз тарихига қизиқиши ортанидан далолат беради. Айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабаларга тарих дарслари бўйича музейга экскурсиялар уюштирилиши сабоқларнинг сермазмун бўлиши билан ёшлар хотирасида ўчмас из қолдирса ажабмас. Юртимизга меҳмон бўлиб ёки расмий ташриф билан келган турли давлат арбоблари, делегациялари, ёзувчи ва олимлари кўпинча шаҳримизнинг ушбу диққатга сазовор масканини томоша қилишади.

Музейнинг ташқи кўринишига мос ички чиройи ҳам кишини ҳайратга солади. Оёқ остига энг ноёб мрамлар ётқизилган, устун безаклари, зиналар ҳам шундай ашёдан ишланган. Биринчи қаватдаги марказий зал гумбазининг ич томони шарқона амалий санъатнинг энг яхши анъаналарига хос безак ва ёзувлар билан зийнатланган. Юпқа олтин суви юритилган бу сатҳга йигирма килограмм қимматбаҳо металл ишлатилгани маълум. Саккиз метрлик улкан биллур қандил музейга ўзгача кўрк бағишлайди, уни Тошкентдаги “Оникс” заводнинг моҳир усталари тайёрлаганлар.

Асосий зал деворига бир гуруҳ тошкентлик рассомлар Амир Темур ҳаётининг уч даврини тасвирловчи суратларни ишлашган. “Туғилиш”, “Юксалиш”, “Фахрланиш” мавзуларидан иборат миниатюра услубидаги ушбу расмлар моҳирона чизилган. Республикаимизнинг таниқли рассомлари томонидан яратилган Умаршайх Мирзо, Улуғбек, Мирзо Бобур, Халил Султон, Абдулла Мирзо ва бошқа темурий ҳукмдорларнинг суратлари ҳам асосий зал деворларини безаб турибди.

Залнинг марказида улкан мрам лавҳада Куръоннинг еттинчи асрадаги аслиятдан 1905 йилда Санкт-Петербургда кўчирилган нусхаси кўйилган.

Иккинчи қаватдан музейнинг асосий экспозицияси бошланади. Бу ерда Амир

Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ минглаб қизиқарли экспонатлар жамланган. XIV-XVI асрларга оид жангчи кийимлари,

дан мана шуларни тасаввур қилади бу ерга келган киши. Шу жиҳатдан музейлар халқ тарихининг кўзгуси сифатида ўтмишимизни англашга, ўзлигимизни таниб олишга, шунга мувофиқ бугун ва келажакимизни яратишга ундайдиган, бунга кўмак берадиган муҳим маданий-маърифий маскан, ибрат мактабидир.

Музейда Амир Темур ва темурийлар бино қилган кўплаб тарихий обидалар, чунончи, Амир Темур мақбараси, Оқсарой, Улуғбек мадрасаси, Тожмаҳал ва бошқа ёдгорликларнинг мўъжазгина нусхалари, буюк

Боязид устидан галабасини Кўҳна қитъада шундай баҳолашган.

Музейда 2004 йил майда Амир Темур давлати ва Кастилия қироллиги ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. У “Темур давлати Клавиҳонинг нигоҳида” деб номланган. Бу жойда Клавиҳонинг Кадисдан Самарқандга 1403-1406 йилларда қилган сафари харитаси кўйилган.

Клавиҳонинг “Самарқандга Амир Темур саройига

Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

И. КАРИМОВ.



ТАРИХНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

совут, қилич, қалқон, найза, дубулға, ўқ-ёй сингари жанг қуроллари, жангчиларнинг жез қозонидан тортиб, сопол идишлар, мисдан ясалган уй-рўзгор анжомлари, кумуш ва мис танга пуллар, аёллар зеб-зийнатлари, турли либосларгача бор. Ҳозир Эронда асли сақланаётган Соҳибқирон қиличининг сурати, Амир Темурга тенгдош, ўймакор безакли ёғоч устун, чарм сандиқ, турли мусиқа созлари... Булар — тарихимизнинг олис манзиллари оша бизгача етиб келган ноёб хотиралардир.

Шу билан бирга, Ватанимизнинг темурийларгача бўлган тарихдан қисқача ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам музейдан ўрин олган. Сополитепадан топилган археологик ёдгорликлар, Кушонлар, яъни бронза даврига оид топилмалар шулар жумласидандир. Бундан мақсад — Ўзбекистон қадим давлатчилиги тарихига эга эканини кўрсатиш. Азалдан ривож топган бу ўлкани Чингиз сингари боққинчилар вайрон қилди, Амир Темур ва унинг авлодлари эса бу юртни озод қилди, тиклаб, тараққий эттирди ва жаҳонга танитди. Ўзбек халқининг ўтмишидан далолат берувчи бундай тарихий лавҳалар мазмуни-

жаҳонгир давлатининг улкан харитаси мавжуд. Бу ерга Бобурийлар тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам кўйилган. Улар кейинги йилларда музейни бойитган кўргазмалардан ҳисобланади.

Амир Темур шухрати ўз вақтида жаҳонга ёйилган. Европаликлар уни халоскор сифатида эътироф этган. Шу сабабли ўша давр хориж рассомлари Амир Темур сиймосини чизишга ҳаракат қилганлар. Англия, Франция, Германия, Италияда чизилган суратларда Соҳибқирон қиёфаси Клавиҳо сингари элчиларнинг хотираларига асосланиб, рассомларнинг тасаввури бўйича чизилгани тайин. Шу сабабли жаҳонгирнинг сурати бизга таниш қиёфадан анча олис. Айниқса, экспонатлар ичида Амир Темурнинг от устида турган ҳайкали сурати кишининг диққатини тортади. Бу аслида Амир Темурнинг олтиндан ясалган ҳайкали бўлиб, у XX асрнинг бошларида Францияда кўргазмага кўйилган экан. Машҳур француз тарихчи олими Керен ушбу суратини музейга туҳфа қилган, аммо олтин ҳайкалнинг тақдири ҳозирда номаълум. Суратдан кўришиб туришча, ҳайкал тағзаминига “Европа халоскорига” деган ёзув битилган. Амир Темурнинг Султон

саёҳат” номли кундалиги (1403-1406) ўз вақтида испан, инглиз, итальян ва рус тилларида чоп этилган. Ушбу китобнинг 1881 йилда Санкт-Петербургда ва ҳозирги вақтда кўпгина хорижий тилларда нашр этилган нусхалари, шунингдек, Амир Темурнинг Генрих III га йўллаган мактуби нусхаси, бошқа экспонатлар қатори ушбу кўргазмани бойитган.

Музейни экспонатлар билан бойитишда республика археолог ва этнограф олимларининг хизмати катта бўлмоқда. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Султон Сегизбоев номли жамоа хўжалиги худудиди, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Шоҳруҳия қалъа-шаҳри харобаларидан археологлар кўплаб тарихий ашёларни топиб музейга тортиқ қилишди. Амир Темир кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо (1336-1405) шарафига қурдирган бу шаҳар-қалъа шахристон, арк, ҳисор (кўрғон) ва работдан иборат бўлган. Бу ерда олиб борилган қазималар натижасида иморат ашёлари (гишт, деворий қоплама, ёғоч тўсимлар), кулолчилик, шишачилик буюмлари, ҳарбий анжом ва қуроллар (совут, дубулға, палахмон), зебу-зийнат буюмлари, мис тангалар ва

шу каби бошқа топилмалар қўлга киритилган. Ўтган йили мана шу археологик топилмалар асосида музейда яна бир кўргазма ташкил қилинди.

Музей фондида Ўзбекистон тарихига оид икки мингдан зиёд экспонатлар сақланади, — дейди бош хазиначи Н. Охунбобоева. — Кундан кунга уларнинг сони ортиб бормоқда. Таниқли археолог, архитектор Нина Борисовна Немцова музейга 35 та буюм тақдим этди. XI асрга мансуб Работи маликдан (Навоий вилояти) топилган ажойиб сопол буюмлар, коса идишлар, шунингдек, Шоҳизинда меъморий ёдгорлигининг деворий қоплама безаклари шулар қаторига киради.

XIV-XV асрга таалуқли тарихий ашёлар ҳозирда кам. Жуда кўп ноёб буюмлар, айниқса, чор Россияси истилосидан кейин хорижга олиб чиқиб кетилган. Музей ходимлари билан суҳбатдан маълум бўлишича, ҳозирда чет эллардаги Темур ва темурийлар даврига оид буюмларнинг фотокўргазмасини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда экан. АҚШ, Европа мамлакатлари, ҳатто Австралида — жами 17 та давлатда бундай қимматли тарихий буюмлар сақланаётганидан бохабар бўлдик. Темурийлар тарихи давлат музейининг Халқаро музейлар ташкилотига аъзо бўлганлиги унинг жаҳон миқёсида тан олинганини англайди. Бу эса хорижий давлатлар музейлари билан яқиндан алоқа боғлаб, тарихимизга тегишли экспонатлар кўргазмасини Тошкентда ҳам ташкил этиш, имконга қараб уларнинг аслини, ҳеч бўлмаса нусха ва суратларини музейимизга келтириш имконини беради.

Музей шонли тарихимиз қиёфасини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпешалиги ва яратувчанлигини, жаҳон маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини Амир Темур ва темурийлар сиймосида, улар даврига оид моддий-маънавий обидалар мисолида гавдалантириб турибди. Буларнинг барчаси сўзсиз ўзбек фарзандлари, ёш авлод қалбида буюк аждодлар ишидан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш, ватанпарварлик, ҳеч кимдан кам бўлмаслик, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тўлқин ТОҒАЕВ,

“Ўзбекистоннинг янги тарихи” маркази етакчи илмий ходими.



Халқимизда кўп бор такрорланадиган «Ёз ёпинчиғинг ташлама, қишда ўзинг биласан», деган нақл бор. Ўлкамизда қиш остонада турганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу нақлни яна бир бор эсга олиш фурсати келганини англаймиз.

Шеърый иборалар билан айтганда, ҳар фаслнинг ўз таровати, ўз хислати бор. Ўз навбатида етарлича ташвишлари ҳам бўлади. Масалан, қиш мавсумида «ёпинчиғини унутганлар» турли касалликларни орттириб олишлари, охир-оқибат, ўзларича турли муолажалар қилиб, касалликни кучайтириб юборишлари ҳам мумкин. Совуқ кунларда тез-тез учраб турадиган касалликлардан бири бу — гриппдир. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, полковник А. АМИНОВ билан худди шу хусусда суҳбатлашдик.

— Абдуазим Абдуллаевич, ўқувчиларимизнинг грипп касаллиги ҳақида умумий тасаввурга эга эканликларига шубҳа йўқ. Аммо шундай бўлса-да, грипп ва умуман, ўткир респиратор вирусли касалликларнинг хусусияти, қайси йўллар билан одамга юқиши ва қандай асоратлар қолдириши борасида яна бир бор фикр юритсак.

— Дарҳақиқат, бу касаллик ҳақида гапиратуриб, биз «велосипед кашф этмаймиз», бу деярли барчага бирдек «таниш» касаллик. Лекин боя айтганингиздек, яна бир бор эсга олиб ўтиш албатта фойдадан ҳоли бўлмайди.

Грипп юқори нафас йўллари-нинг яллиғланиш касалликлари қаторига кириди ва энг кўп тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Бу дард қисқа вақт ичида кўп одамларга юқиши ва оғир асоратлар қолдириши билан хавфли. Чунки аҳоли орасида грипп вирусини доимо айланиб юради, об-ҳавонинг кескин совиши натижасида баданнинг, айниқса, бош ва оёқ-қўлларнинг совқотиши грипп вирусини одам организмида фаоллашуви ва оқибатда касаллик чақирилишига шароит яратади. Грипп натижасида сурункали касалликларнинг қўзғалиши, ўпка шамоллаши, плеврит, отит, гайморит, юрак, мия, буйрак ва шу каби ҳаётий муҳим аъзоларда оғир асоратлар қолдириши мумкин.

Гриппдан бошқа унга ўхшаган белгилар билан кечадиган касаллик чақирувчи вирусларнинг 100 дан ортиқ турлари мавжуд. Табобатда буларни реовируслар, риновируслар, аденовируслар деб юритилади. Бу вируслар келтириб чиқарадиган касаллик белгилари ҳам гриппникига ўхшаш, лекин одамдан-одамга юқиш даражаси нисбатан анча камроқ ва энгилроқ кечади.

— Бу касалликлар қайси йўллар билан юқади?

— Грипп билан оғирган бемор

аксирганда, йўталганда ва ҳатто сўзлаганда ҳам ҳавога кўплаб миқдорда грипп вирусларини чиқаради. Шубҳасиз, бундай ҳаводан нафас олган каттаю-кичик ўзига грипп вирусини ҳаво-томчи йўли орқали юқтириб олади. Йўловчи транспортлари ва бошқа одамлар гавжум жойларда касаллик айниқса тез тарқалувчандир. Грипп касаллиги бемор фойдаланган буюмлар (дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқ ва бошқалар) орқали ҳам юқиши мумкин.

— Ётиб қолган беморларди айнан грипп эканлигини қандай билиши мумкин?

— Грипп вируслари соғлом одамнинг нафас йўлларида киргандан 10-12 соат ўтиб касаллик белгиларини чақиради.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликлар организмнинг умумий захарланиши билан кечади. Касаллик тўсатдан бошланади: Беморнинг бадани увишади, сўнгра иситмаси кўтарилади, бош оғриғи, акса уриш, йўталиш, мускулларда оғриқ пайдо бўлиши, қўл-оёғи зирқираши, лоҳас бўлиши ва дармонсизланиши билан кечади.

— Грипп билан оғирган беморларнинг ундан фориг бўлиши учун, соғлом одамларнинг эса ушбу касалликка йўлқасмаликларни учун қандай профилактик тадбирлар ўтказишни маслаҳат берасиз?

— Аввало, грипп билан оғирган беморни алоҳида хонага жойлаштириб, тўшакка ётқизиш, сочиқ, дастрўмол, идиш-товоқларини алоҳидалаш керак. Социқ, дастрўмолларни ҳар кун ювиб, дазмоллаш ва фойдаланилган идиш товоқларни қайнатилган сувда ювиб, 0,5% хлорли эритмага солиб зарарсизлантириш зарур.

Бу биринчи гада ва энг асосий қилинадиган ишлар. Акс ҳолда касаллик оиланинг бошқа аъзоларига ҳам юқиши мумкин. Шунингдек, бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш ҳам мақсадга мувофиқ. Болалар, ҳомилдор аёллар ва қариялар иложи борича бемор хонасига қирмасликлар керак.

Беморга кўп миқдорда суюқликлар, лимонли чой, наъматак дамламасини ичириб, мурчи суюқ иссиқ таомлар билан овқатлантириш лозим.


Касалликнинг олдини олишда эса баданни чиқиқтирувчи муолажалар (очиқ-ҳавода сайр қилиш, югуриш, бўғимларни ҳаракатлантирувчи машқларни бажариш) катта ёрдам беради.

саллик юқтириши, оқибатда уй паррандаларининг оммавий равишда ҳалок бўлиши оқибатида шу давлатларда паррандачилик хўжаликлари, ҳатто ўз паррандасига эга хонадонлар катта зарар кўришяпти. Аваллари парранда ва ҳайвонлардаги грипп касаллиги инсонларга юқиши қайд этилмаганда. Мутахассислар ушбу паррандаларда учровчи вируслар охириг етти йил мобайнида ўзининг биологик тузилишини ўзгартирганлигини (мутацияланганлигини) қайд этиптилар. Касаллик тарқалган ҳудудда яшовчи, парранда хўжаликларидида ишловчи, овчилик билан шуғулланувчиларнинг касалликни ўзларига юқтириб олаётганликлари ва бу ҳолат айрим ҳолларда ўлим билан тугаётганлиги бу борада фавқулодда чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Касалликнинг юқиши одатий гриппга ўхшайди, яъни ҳаво-томчи йўллари орқали юқади. Клиник аломатларининг ҳам одатий гриппдан фарқи йўқ. Бироқ одатдаги гриппда касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 2-3 кунгача бўлса, «парранда гриппи»да касалликнинг яширин даври 7 кунгача давом этиши ҳамда оғир кечиши билан фарқланади. Ҳозирча «парранда гриппи» бўйича республикамизда касалланиш ҳолати рўйхатга олинмади, аммо шундай бўлса-да, республика миқёсида «парранда гриппи»ни худудимизга кириб келишининг

ҲАЁТДАН БАҲРА ОЛИБ ЯШАЙЛИК

Об-ҳаво шароитига мос кийиниш, терлаб ёки иссиқ хонадан бирданига кўчага чиқмаслик, баданни, айниқса, оёқ-қўлни совқотишдан сақлаш, совуқ кунда ташқарида узоқ вақт қолиб кетмаслик керак.



олдини олиш бўйича керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда ва бундай чораларни бир дам бўлса ҳамки, тўхтатмаслик лозим.

— Инсон ҳар қандай дардди четлаб ўтиши учун нималар қилиши керак ва нималар қилмаслиги керак?

— Инсон ҳаёти хурсандчилик ва ташвишдан иборат. Бу файласуфна гап эмас, албатта. Соғлом киши бемор кишига ҳамдардлик кўрсатиши, унинг дардига малҳам бўлиши, имконини топса, қўлидан келганча ёрдам кўрсатиши мумкин. Аммо беморнинг хурсандчиликка шерик бўлганини, биргалликда хурсандчилик қилганини кўрганмисиз? Халқимизда «Тўйни тўхтатиб туриш мумкин, лекин дардди тўхтатиб бўлмайди», деган гап бор. Дарҳақиқат, беморчилик ҳам моддий, ҳам жисмоний жиҳатдан кишини анча толиқтириб қўяди. Шу боис, ҳар қандай шароитда ҳам соғлом ҳаёт кечириб учун интилиш, ҳаётдан баҳра олиш, қувнаб юриш керак. «Қалай, саломатлик яхшими?» дея сўраганида «Шу-у, белим қўйвормапти-да», десангиз бир кун ростдан ҳам мункиллаб қолишингиз мумкин. Аксинча «Шукр, саломатман», десангиз оғриб турган белингизга ҳам қувват кириди. Яхши ният қилайлик. Ҳеч кимни дард безовта қилмасин.

Суҳбатдош: Эркин САТТОРОВ.



ДТВ, душанба
20.00 Жангари фильм «ТЕРРОР ШАХРИ» («ГОРОД ТЕРРОРА»).

Ёш полициячи Жон Трейс махсус гуруҳ таркибига кирилади. Бу гуруҳнинг вазифаси қандай йўл билан бўлмасин – жамиятни ўта хавфли жиноятчилардан тозалашдан иборат. Жон тез орада янги шериклари шафқатсиз қотиллар эканини билиб олади. Навбатдаги операция чоғида бегуноҳ Кендини қутқаргани учун ўзи уларнинг нишонига айланади.


Ролларда: Стивен Болдуин, Чазз Палмерта.



НТВ, сешанба
0.20 Ўткир сюжетли фильм «ШАЙ-ТОННИНГ АДВОКАТИ» («АДВОКАТ ДЬЯВОЛА»)

Ёш омадли адвокат Кевин Ломекс бирорта суд жараёнида ютказмаган. Бир кунни Нью-Йоркдаги фирмаларнинг бири ишга таклиф қилади. Нью-Йоркда унинг учун янги хат бошланади. Кевин сирли тарзда ўз бошлиғига боғланиб қолади...

Ролларда: Киану Ривз, Аль Пачино, Шарлиз Терон.



ОРТ, сешанба
1.10 Бадий фильм «КАПИТАН КОРЕЛЛИНИНГ СЕВГИЛИСИ» («ВЫБОР КАПИТАНА КОРЕЛЛИ»).

Грециянинг Кефаллония оролида ҳаёт бир маромада кечарди. Кутилмаганда уруш бошланади. Бу ерни италян десантчилари босиб олади. Маҳаллий шифокорнинг хонадонига жойлашган Италия армияси офицери – капитан Корелли уй эгасининг қизи гўзал Пелагиани бир кўришда севиб қолади.

Ролларда: Николас Кэйдж, Пенелопе Крус.



ТВ 3, чоршанба
3.00 Мистика «БЕХОСИЯТ ОЙ» («ЗЛОВЕЩАЯ ЛУНА»)

Фильм қахрамони бошига соя солиб турган ноҳушликдан қандай қутилиши мумкин? Унинг барча уринишлари зое кетади. Энди ягона умид сеvimли оиласидан. Аммо ғайритабиий куч билан курашиш чоғида ҳал қилувчи дақиқаларда оила аъзоларига ҳам хавф тугилади. Шунда шайтоний кучларга қарши туришида вафодор ити ёрдам беради.

Ролларда: Майкл Парэ, Мариэл Хемингуэй.



ЧОРШАНБА, 9

«Ўзбекистон» телеканал

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Олтин мерос».
8.45 «Экспедиция». Хужжатли телесериал.
9.35 «MAGGI» © Олтин ошона.
«Болалар сайёраси»:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.40 «Ҳаким ат-Термизий». Видеофильм. 5-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Матлаб». Бадий фильм. 2-қисм.
12.00 «Оҳанглар оғушида».
12.10 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.40 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
14.50 «Эл тинчлиги йулида».
15.10 «Иқтидор». Телеуйин.
15.55 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
16.35 «Саломатлик» дастури.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Ибн Сино издошлари».
17.25 Ю. Ражабий номдаги мақом ансамблининг концерти.
17.50 «Юзма-юз».
18.05 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.15 «Эркин иқтисодиёт».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Ўзлотто». Телелоттерей.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Матлаб». Бадий фильм. 3-қисм.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Олтин мерос».
21.45 «Қишлоқ ҳаёти».
22.05 «Сарой жавоҳири». Телесериал премьераси.
23.15 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.25 «Ҳаким ат-Термизий». Видеофильм. 6-қисм.
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Тошкент» телеканал

18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус).
18.50 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Тасанно».
21.45 Кинонигоҳ: «Виктория».
23.05-23.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Доброе утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.20 «Хозяйка судьбы. Серил».
10.00 «Спорт масканларида».
10.20 Футбол. «Машъал» (Муборак) – «Кизилкум» (Зарафшон)
11.10-11.25 «Спорт клуб».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хабарлар».
18.20 «Шоҳруҳ клуби».

ПАЙШАНБА, 10

«Ўзбекистон» телеканал

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Экспедиция». Хужжатли телесериал.
9.35 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
10.00 «Болалар дунёси».
10.20 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.35 «Ҳаким ат-Термизий». Видеофильм. 6-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Омон бўлинг!»
11.15 ТВ-анонс.
11.20 «Матлаб». Бадий фильм. 3-қисм.
12.00 1. «Дурдаршан». 2. «Парле ву франсэ?»
12.40 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Бобур». Видеофильм. 7-қисм.
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.10 ТВ-анонс.
15.15 «Ўзбегим ўғлонлари».

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
8:45 «Сериал «Дети Ванюшина»».
9:45 «Вольф Мессинг. Первый советский экстрасенс».
10:45, 13.45, 16.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
11:00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ.
11:30, 14.10, 16.40, 20.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:50 «Марш Турецкого. Кто стреляет последним».
12:45 «Частная жизнь».
14:30 «Суд идет».
15:30 Сериал «Тайная стража».
17:15 «Кулагин и партнеры».
17:45 «Обреченная статья звездной». Телесериал.
18:45 «Черная богиня». Телесериал.
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 Сериал «Дети Ванюшина».
21:55 Сериал «Тайная стража».
23:00 «ВЕСТИ+».
23:20 «1943. Маршал Васильевский».
0:15 «ПРОСВЕТ». Программа Дмитрия Диброва.
1:15 Мюзикл Эндрю Ллойд Уэббера «Иисус Христос-суперзвезда».
3:30 «Дорожный патруль».
3:45 Сериал «Закон и порядок».
4:30 Канал «Евроньюс».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 16.45, 19.45 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Дружная семейка», сериал
14.00 «Полицейский из Беверли - Хиллз 3», комедия
15.30 Док. фильм
16.15 Мультсериал
17.00 Программа передач
17.05 Мультсериал
17.25 «Киноконцерт»
17.40 «Увайсий», сериал
18.00 «Кассандра», сериал
19.00 «Ошикона» мусикий дастури
20.00, 22.00 «Мусикий табассум»
21.00 «Чоли Куши», сериал
21.40 «Мусикий лахзалар»
22.30 «Шанхайский полдень», фильм

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Сериал «Есенин»
10.20 Сериал «Агент национальной безопасности»
11.30 «Бандиты эпохи социализма». «Гений подделки». Док. фильм
12.00 Новости
12.20 «Большой обед»
13.30 Дисней-клуб
13.50 Сериал «Родственный обмен»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.00 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 «Кривое зеркало»
18.40 «Адютанты любви». Сериал
19.50 «Пусть говорят»
21.00 Время
21.30 Сериал «Есенин»
22.30 «Цыганское счастье». Док. фильм
23.40 Ночные новости
0.00 Искатели. «Секретный тоннель»
0.50 Ударная сила. «Повелитель небес»
1.40, 3.05 Комедия «Если бы я был богат»
3.00, 5.00 Новости
3.40 Сериал «Линия огня»
4.30, 5.05 «Острова безмолвия». «Приговоренный умереть»

«Ёшлар» телеканал

6.25 Дастурнинг очишти.
6.30 «Мунаввар тонг».
7.30 «Даврининг боласи».
7.45 «Янги авлод» спорти, Шоҳсура.
8.20 «Эсмэральда». Телесериал.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 Ёшлар овози.
9.35 «Кино SMS» танлови.
9.40 Давр мавзуси.
9.55 Мусикий лаҳза.
10.00 ТВ-дорихона.
10.10 «Шубҳа». Телесериал.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Менимча.
11.00-11.15 Давр.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.20 «Даллас». Телесериал.
17.05 «Оила тилсими»-2-қисм.
17.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Китоб жавони.
18.00 Ёшлар овози.
18.15 ТВ-адвокат.
18.20 Кашифт.
18.30 Табабот оламида.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Нигоҳ.

«Тошкент» телеканал

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус).
18.50 «Имконият».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.40 «Аёл қалби».
21.40 Кинонигоҳ: «Фаройиб рейс».
23.05 «Тунчирик».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим».

15.30 Мультфильм.
16.00 Фильм «ЕВДОКИЯ».
17.55 Фильм «АРЕНА-2».
20.00 Телесериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
21.00 Фильм «ПЕРВОБЫТНЫЙ СТРАХ».
23.35 Фильм «ТРИ СЕСТРИЧКИ».
1.00, 5.00 Телесериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».
2.00 Телесериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
3.00 Фильм «ЗЛОВЕЩАЯ ЛУНА».

ДТВ

9.00 Мультфильм.
10.00 Сериал «НЯНЯ».
10.30 «Как уходили кумиры». Вольф Мессинг».
10.55 «Неслучайная музыка».
11.00 Телемагазин.
11.30 Агентство криминальных новостей.
11.50 Фильм «МИСТЕР БОНС, ИЛИ КОСТИ НИКОГДА НЕ ВРУТ».
14.05 Самое смешное видео.
14.35 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
15.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.30 Мультфильм.
17.30 Игровое шоу «Деньги с небом».
17.40 Док. сериал «Опергруппа, на выезд!»
18.25 «Как уходили кумиры». Вольф Мессинг».
18.50 Фильм «ОБВИНЯЮТСЯ В УБИЙСТВЕ».
21.00 «Неслучайная музыка».
21.05 Самое смешное видео.
21.30 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ».
23.00 Сериал «Опергруппа, на выезд!»
23.40 Агентство криминальных новостей.
0.00 Фильм «ИСКУССТВО ВОЙНЫ».
2.30 Автоновости «Карданный вал +».
2.50 Эротическая программа «Дикарки».
4.10 «Девушки не против...»
4.40 «Неслучайная музыка».
4.45 Шоу Джерри Спрингера.

ТНТ

5.45 Москва: инструкция по применению.
6.10 «ЭНДИ РИХТЕР - ВЛАСТЕЛИН ВСЕЛЕННОЙ». Комедия.
6.45 Мультсериал.
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопес».
7.40 «Дикая семейка Торнберри».
8.05 «Крутые бобры».
8.30 Ваше здоровье.
8.45 Наши песни.
9.00 «Зверские сказки». Док. фильмы.
10.00 «АЭРОПЛАН-2». Комедия.
12.00 Мультфильм.
12.15 «Как говорит Джинджер».
12.40 «Крутые бобры».
13.05 «Ох уж эти детки».
13.30 Телемагазин.

«Sport» телеканал

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хабарлар».
18.20 «Болалар спорти».
18.35 «Кучли бешлик».
19.15 «Мой серебряный шар».
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 «Спорт - менинг ҳаётим».
20.45 «Нокаут». Бокс.
21.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 16.45, 19.45 Телехамкор
12.25 Мультсериал
12.50 «Дружная семейка», сериал
14.00 Фильм «Шанхайский полдень»
15.30 «Зелёная кегля», чемпионат по боулингу
15.50 Док. фильм
16.20 «Детский час»
17.00 Программа передач
17.05 Мультсериал
17.25 «Шарк оханглари»
17.40 «Увайсий», сериал
18.00 «Кассандра», сериал
19.00 «Ошикона» мусикий дастури
20.00, 22.00 «Мусикий табассум»

СТС

8.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
8.50 Мультфильм.
9.30 Комедия. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Сериал.
12.30 Комедия. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
13.00 Кино. «ОТЕЦ НЕВЕСТЫ»
15.00 «ДРУГОЕ ИЗМЕРЕНИЕ». Сериал.
15.30 Мультфильм.
18.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ». Сериал.
19.00 Комедия. «ЧУДЕСА НАУКИ».
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Сериал.
20.25 Комедия. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал.
23.00 Комедия. «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
23.30 Кино. «ОТЕЦ НЕВЕСТЫ»
1.30 Истории в деталях.
2.00 Комедия. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.35 Детали.
3.35 «СПЕЦОТЯД «КОБРА»». Сериал.
4.20 Кино. «ХРАНИТЕЛЬ».
5.50 Кино в деталях.

7 ТВ

7.00, 15.30 Конный спорт.
7.30, 1.30 Покер.
8.30, 1.10 Назло рекордам.
8.40 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.30 ЖимКласс.
10.40, 21.10, 2.30, 5.10 Музыкальный трек.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00 7 новостей.
11.30 Спортивные танцы.
12.30, 13.30, 14.30, 16.30, 17.30, 18.30, 19.30, 20.30, 21.30, 22.30 Диалоги о рыбалке.
22.10 «220 вольт».
23.10 Звезда автоспорта.
23.30, 5.30 ДТМ. (Хоккенхаймринг, Германия).
0.10 Чемпионат Независимой Федерации реслинга «Опасная зона».
2.40 Интерактивный ТВ-чат.
6.00 Бильярд.

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Сериал «Есенин»
10.20 Сериал «Агент национальной безопасности»
11.30 «Бандиты эпохи социализма». «Гений подделки». Док. фильм
12.00 Новости
12.20 «Большой обед»
13.30 Дисней-клуб
13.50 Сериал «Родственный обмен»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.10 «Лолита. Без комплексов»
16.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.00 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Фильм
20.10 «Человек и закон»
21.00 Время
21.30 «КВН - 2005»
0.00 Ночные новости
0.20 «Судите сами»
1.20, 3.05 Триллер «Последняя истина»
3.00, 5.00 Новости
3.20 Фильм «На краю»
4.50, 5.05 Суперчеловек.
«Звезда эволюции»

ЖУМА, 11

«Ўзбекистон» телеканал

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Рухият ва макон». Хужжатли телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Цирк, цирк, цирк».
9.45 «Шумтакалар».
Мультсериал.
10.00 «Тазлим: ислохотлар йўлида».
10.15 Ёш созандаларнинг Республика кўрик-танлови.
10.35 «Хаким ат-Термизий». Видеофильм. 7-кисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Матлаб». Бадий фильм. 4-кисм.
12.00 «Жавоҳир».
12.05 «Дўстлик» тележурнали. 1. «Истоки».
2. «Умид».
12.40 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 8-кисм.
14.50 «Назм ва наво». Мискин лирикаси.
15.25 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Меҳнат кўри». Премьера.
«Болалар сайёраси»:
15.45 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
16.40 ТВ-анонс.
16.45 «Янги алифбони ўрганамиз».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ислохотлар кўзгуси».
17.35 «Жавоҳир».
17.40 «Бизнес англичкалари».
17.55 «Зийнат».
18.15 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.25 «Муносабат».
18.50 «Ошин». Телесериал.
19.25 «Ўзлотто» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Матлаб». Бадий фильм. 5-кисм.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Кўшиққа кўчган сатрлар». Махмуд Тоир.
22.05 «Сарой жавоҳири». Телесериал премьераси.
23.25 «Изтироб». Видеофильм.
0.05-0.10 Ватан тимсолари.

«Ёшлар» телеканал

6.30 «Мунаввар тонг».
7.30 Даврнинг боласи.
7.45 «Янги авлод» студия

яси: Бўш ўтирма, Китоб жавони.
8.15 Расмлар сўзлаганда.
8.20 «Эсмеральда». Телесериал.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.00 Давр..
9.20 Ёшлар овози.
9.40 Давр репортаж.
9.50 Кўёшли юрт одамлари.
10.10 «Шубҳа». Телесериал.
11.00-11.15 Давр.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.25 «Даллас». Телесериал.
17.10 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 «Мульттомоша».
17.45 Орузлар қанотида.
18.15 Мусикий лаҳзалар.
18.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 «Ёшлар» телеканалнинг фототанлови.
19.45 Мусикий лаҳзалар.
19.55 Менимча.
20.00 Спорт - лотто.
20.10 Эрта сўнган юлдузлар. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров.
20.35 Давр мавзуси.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 Менимча.
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.35 Кинотақдим.
22.55 «Эсмеральда». Телесериал.
— Футбол жамоаси болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилди, — дейди вилоят «Динамо» физкультура ва спорт жамияти раисининг ўринбосари, подполковник Отабек Рўзметов. — Унга иқтидорли ёшлар танлаб олинди. Футболчилар кийим-кечак ҳамда спорт анжомлари билан таъминланди. Келгусида бу ёшлардан умид катта. Аини кунда «Динамо» ўйингоҳида машғулотлар қизгин давом этмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Футболчи ҳакам жазосидан хурсанд

Футбол бедаво дардга чалинганни ҳам даволаб юборишга ишонасизми? Иккиланмасдан ишонаверинг. Қуйидаги воқеа бунга мисол.

Тунисда навбатдаги футбол мусобақаси бўлаётган эди. Ҳакам ўйинчилардан бирига кўполлик ишлатгани учун қизил карточка кўрсатди. Бундан ниҳоятда ачиққанган ўйинчи бейаблигини исботламоқчи бўлди ва... гапириб юборди. Ҳакам унинг гапларига қўлоқ солмай, уни майдондан четлаштирди. Аммо ўйинчи ҳакамни қаттиқ қучоқлади-да, ўзида йўқ хурсанд ҳолда майдонни тарк эта бошлади. Жамоадорлари ҳам уни бир-бир бориб қучоқлаб, қарсақ чалишарди. Ҳеч нарсага тушунмаган ҳакам оғзини очганча қолди.

Кейинроқ маълум бўлишича, қизил карточка билан «сийланган» ўйинчи болалигида бир воқеа сабаб гапириш ва эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлган экан. Ҳакамнинг қароридан кучли руҳий жунбушга келган ўйинчи охир-оқибат гапириб юборган.

Нимтабассум

— Эшмат, рўмолчангни бериб тур.

— Нима бўлди?

— Йўқ, сен ўзинг бир ўйлаб кўр: стадионда 22 ўйинчи, 2 та мураббий, 10 та заҳира ўйинчиси, 3 та ҳакам, битта назоратчи ҳакам, 6 та оператор, 3 та телевидение ходими, 4 та шифокор, 20 та спорт журналисти, 10 та тўп келтириб берувчи болалар, 55.000 томошабин ва сен бўлсанг-у, бу лашнаги каптар айнан мени бошимга... «ташлаб» кетса-я. Бериб тур рўмолчангни...

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги полковник **Қайнар ҚАРШИБОВ**ни кутлуг 70 ёшга тулиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Устозимиз, сафдошимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, яна кўп йиллар бардам бўлиб, фарзандлари, шогирдлари ва сафдошлари даврасини тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Навоний вилояти ИИБ ЖИЭБ бошлигининг ўринбосари, майор **Зариф Қўлдошев**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Унга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт, машаққатли ва шарафли хизматида ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файз-барака аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ЭЪЛОН

2005 йил 17 ноябрь куни соат 19.00да «НТФ» маъсуляти чекланган жамиятнинг фермер хўжалиги таъсисчилари ва иштирокчиларининг навбатдан ташқари ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Сирғали – 3 даҳаси Массон кўчаси 3-а-уй. Мўлжал: УПК биноси. «Ел Пасо» кинотеатри.

ХИКМАТЛАР

Олти киши олти нарсдан умидини узмоғи керак. Биринчи, золим подшо давлатининг барқарорлиги ва мамлакатининг мустақкамлигидан. Иккинчи, мағрур ва мутақаббир киши элнинг мақташидан. Учинчи, бадхулқ кишилар суҳбатдошлардан. Тўртинчи, беадаб кишилар улуг мартабадан. Бешинчи, очкўз кишилар яхшилик қилинишидан. Олтинчи, тамагар кишилар бегуноҳликдан. Чунки, тама кишини ҳаромхўрликка бошлайди. Қардаки ҳирс бўлса, у ердан ростлик кетади.

У айтди:

– Беш киши беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тоғади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балога мубтало бўлади. Учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан гофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли ва покдомон хотинини қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

«Жовидони хирад»дан.

Улуғлар айтадиларки, олтига пайтда одамнинг тили жим бўлмаса, ундай тилнинг борлигидан кўра соқов бўлмоғи афзалдир.

Биринчи, кўп гапиришда, иккинчи, қасам ичишда, учинчи, кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчи, кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчи, эркаклар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиришда, олтинчи – ўзини бошқалардан юқори қўйиб, мақтаниш пайтида!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор.

Ҳакимлар етти гуруҳ билан қўшилишни ва етти тоифадаги кишидан қочишни лозим кўрадилар. Қочиш лозим бўлган етти гуруҳ қуйидагилардир: биринчи, яхшилик ва неъмат ҳақини билмовчи. Иккинчи, ишни чуқур ўйламай, бесабаб ғазаб отига минувчи. Учинчи, умрининг узунлигига мағрурланиб, уни фойдали ишга сарфлашни ўйламовчи. Тўртинчи, ўз ишининг асосига макр ва ҳийлани қўювчи. Бешинчи, хиёнат ва ёлгончиликни гуноҳ деб ўйламай тобора бу йўлдан юривчи. Олтинчиси, ҳашамат ва ҳою-ҳавасга берилувчи. Еттинчиси, гумон қилишга арзимаган нарса учун ўзидан ўзи ҳадеб гумонсираган киши. Бундай тоифадан доим узоқ юриш лозим.

Яқинлашиш лозим бўлган етти киши эса қуйидагилардир: биринчиси, туз ва неъмат ҳақини билувчи киши. Иккинчи, вафодор киши. Бундай киши ҳаётнинг ўзгариши ва қийинчиликка қарамай вафо ипларини узмайди. Доимо ҳамдам бўлади. Учинчи, тўғри сўзли, алдашни ўзига ор деб биладиган киши. Тўртинчи, шаҳват ва орзу-ҳавас бандаси бўлмаган киши. Бундай киши ўз манфаати деб одамга зарар етказмайди. Бешинчи, ғазабини боса оладиган киши. Бундай киши ақл тақозосига қулоқ солади, ғазаб туфайли бировга зарар етказмайди. Олтинчи, кучи ёки моли билан ҳар кимсага ёрдам кўрсата оладиган киши. Бундай кишидан одам доим нажот орзусига ета олади. Еттинчи, шарм-ҳаёли, одобли киши. Бундай кишининг суҳбатидан одам тўғри йўл топади.

«Качқўли султаний»дан.

**МУҲАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун



ҚҮЙ. Оила аъзоларингиз билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Пайшанба оқшомида ишбилармон кишилар ва янги танишлар билан учрашасиз. Жума куни меҳмонларни кутиб олиш билан банд бўласиз. Кутилмаганда сафарга чиқишингиз мумкин.



ТАРОЗИ. Ҳаётингизда сокинлик рўй беради. Шахсий муаммоларингизни ҳал қилиш билан шуғулланишингиз, кўпроқ вақтингизни қариндошларингизга ажратишингиз мумкин. Олдингизда янги иш режалари пайдо бўлади. Буларни ижобий ҳал қилишда сизга билим ва тажрибангиз қўл келади.



СИГИР. Ўзингизни кўнгилсиз воқеаларга аралашиб қолишдан сақлашга ҳаракат қилинг. Воқеалар ривожига таъсир қилишингиз қийин. Соғлигингизни яхшилаб олишга эътибор беринг. Бизнес масаласида таваккал қилмаганингиз маъқул. Яқинларингизга барча масалаларда ёрдам беришга ҳаракат қилинг.



ЧАЁН. Мураккаб вазиятлар вужудга келади. Ундан чиқиш йўллари излаб топишингиз зарур. Ҳафта бошида музокара-лар олиб борманг ва ҳар қандай ахборотнинг тўғрилигини текширинг. Ҳаётингизда ҳафтанинг охирида яхши томонга ўзгариш сезасиз.



ЭГИЗАКЛАР. Дастлабки кунлари ишда, одамлар билан муомалада кўплаб мураккабликлар ва тушунмовчиликларга дуч келасиз. Ажойиб инсонлар билан танишасиз. Сизни қизиқарли учрашувлар кутади. Душанба ва жума кунлари сиз учун омадли келади. Бу кунлари кўнгилли ҳордиқ чикаришингиз мумкин.



ЁЙ. Ҳафта давомида ишчанлигингиз ошади. Ечимини кутаётган ишларингиз муваффақиятли ҳал бўлади. Бизнес учун қулай вақт, аммо таваккал қилишдан сақланинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни хотир-жам тутишга ҳаракат қилинг.



ҚИСҚИЧБАҚА. Сизга ҳеч ҳам шошилмасликни маслаҳат берамиз. Барча ишлар аста-секинлик билан рўй беради. Бўлиши керак бўлган воқеалар ва учрашадиган одамларни кутиб тоқатингиз тоқ бўлади. Дам олишга вақтингиз кам бўлиб, молиявий муаммолар юзага келади. Яқинлар билан ишбилармон ва машҳур кишилар билан учрашасиз.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада сиз бир нечта кенг миқёсли ва катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошира бошлайсиз. Улар яхши фойда келтиради. Аммо эҳтиёткорлик ҳалал бермайди. Янги фаолият турлари пайдо бўлади.



АРСЛОН. Бу ҳафта сиз учун куздаги энг мураккаб ҳафталардан бири ҳисобланади. Тобингиз қочиши атрофингиздагиларга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатишингиз мумкин. Чоршанбадан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келасиз. Уларни келгуси сешанбагача ҳал қилишингиз керак бўлади.



ҚОВБА. Сиз асосан жамоат ишлари ва бошқаларнинг юмушлари билан машғул бўласиз. Янги иш ёки лавозим таклиф қилинади, лекин унинг ишончлилигига кафолат йўқ. Шанба куни ҳаётингизда қандайдир бир ўзгариш сезасиз.



БОШОҚ. Ой бошида кўнгилсизликлардан холи бўласиз. Хизмат сафарига боришингиз мумкин. Мураккаб вазиятлар юзага келиши эҳтимоли бор. Шунинг учун қатъий режалар тузманг. Дам олиш кунлари фарзандларингиз ва сеvimли одамларингиз билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг.



БАЛИҚ. Сизнинг муваффақиятларингиз хоҳишингиз ва ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳаракатингиз суст бўлса, сезиларли натижага эриша олмайсиз. Агар режаларингиз катта бўлса ҳомий топишингиз мумкин. Ишбилармонлигингиз мавқеингизни оширади.

«Маънолар маҳзани»

ЗОРИМИЗ БОР, ЗҮРИМИЗ ЙЎҚ

Бировдан бир нима сўраганларида у бўлатуриб бермаса: «Ҳа майли, ҳожатимиз тушиб, бир сўраган эдик-да», деган маънода сездирмай кесатганларида ёхуд бировга унинг ўзи учун ҳам бир оз манфаати тегадиган бир ишни биргаликда ё шерикчиликда қилишни таклиф қилганларида у рад этса, унама-са: «Ҳа майли, яна ўзингиз биласиз, бир айтдик-қўйдик-да», деган маънода шундай дейдилар.

ЗУЛМ ЭШИКДАН КИРСА, ИНСОФ ТЕШИКДАН ЧИҚАДИ

Бу билан: «Зулм ҳукм сурган жойда инсоф бўлмайди. Бундай жойда золимдан (яъни, зулм қилувчидан) адолат, раҳм-шафқат кутма, тилама ҳам, барибир фойдаси йўқ», дейилмоқчи. Зулмни қораловчи: «Зулм — зинодан ёмон», деган мақол ҳам бор (зино — бу ерда «хиёнат», «бевафолик» деган маънода келтирилган).

ИГНА ЎҒИРЛАШГА ЖУРЪАТ ҚИЛГАН — СИГИР ЎҒИРЛАШГА ҲАМ ЎТАДИ

«Бирор одам арзимаган бир нарсани ўғирлаганини билиб қолсанг, дарҳол уни бу қинғир йўлдан қайтар. Агар бошида шундай қилмасанг, у бора-бора катта ўғри бўлиб кетиши муқаррар», дейилмоқчи.

ИГНА ҚАЁҚҚА ЮРСА, ИП ШУ ЁҚҚА ЮРАДИ

Мазмуни: «Йўлбошчи қайси йўлга бошла-

са (хоҳ у тўғри йўл бўлсин, хоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёққа қараб кетаверади. Оилавий ҳаётда ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ», дейилмоқчи.

ИГНАДЕК ТЕШИКДАН ТУЯДЕК СОВУҚ КИРАДИ

Бу мақолни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «қиш-қировли кунларга олдиндан пухта ҳозирлик кўриб қўй, уйингнинг телва-тешиқларини бекитиб, совуқ кирмайдиган қилиб ол», деган маънода ҳам, мажозан: «Озгина, кичкина камчиликни, хавф-хатарни назар-писанд қилмай юрма, шундан сенга катта зиён-заҳмат етиши мумкин, эҳтиёт бўл, олдини ол, даф қил», деган маънода ҳам қўлайдилар. «Ёлғиз балога индамасанг — кўпаяди», деган мақол ҳам борки, уни кейинги айтилган маънода қўлайдилар.

ИГНАНИНГ ЧИЗИҒИ БОР, ИПНИНГ УЗУҒИ БОР

Аёллар кўрна-кўрпача қавиганда игнанинг учи билан узун-узун уни чизиқ чизиб оладилар-да, кейин шу чизиқ йўлидан игна санчиб қавий бошлайдилар. Шунда калавадан онда-сонда ипнинг узуги ҳам чиқиб туради. Шу ҳолатдан олинган мазкур мақолни мажозан: «Яхши деб ҳисоблаб юрилган одам ҳам баъзан бирор айб қилиб қўйиши, кишига гап эшиттириши, кишини ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунда ундан хафа бўлмаслик, уни қаттиқ койимаслик, у билан бутунлай алоқани узмаслик керак. Ахир, бенуқсон одамнинг ўзи бўлмайди-да», деган маънода қўлайдилар.

Азиз муштарийлар! Саҳифамизнинг бу сонини инсонийликнинг яна бир фазилати — аҳиллик, тотувлик, биродарликка бағишладик. Одобнинг бу жиҳатлари, ҳар доим, жумладан, ҳозирги кунда айниқса долзарбдир. Халқимиз томонидан эъзозланадиган ўзаро иноқлик, биродарлик ва меҳру оқибатда ҳикмат кўп.

АҲИЛЛИК, ТОТУВЛИК — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Фуқаролар бирлиги, дўстлиги, аҳиллиги барқарор бўлган мамлакатда тўкин-сочинлик, фаровонлик, тараққиёт бўлиши қадим-қадимдан маълум. Афсона, эртак, дostonларда аҳилликда яшаш одоби ҳақида кўплаб ҳикоятлар келтирилган. Уларнинг аксарияти ҳақиқатдан йироқ эмас.

Биродарлик, ҳамжихатлиликнинг кўринишлари кўп. Шулардан бири — ҳашар. Кўпчиликнинг манфаатини кўзлаб уюштирилган бу тадбир халқимизда азалдан анъанага айланган. Шу усул билан ариқлар қазилган, масжид-мадрасалар қурилган. Камбағал, етим-есирлар учун уй-жой қуриб беришда ҳам ҳашар усули кўп келган. Ҳозирги кунда давом этаётган бу анъана кишилар ўртасида дўстлик, биродарлик, аҳиллик, ҳамжихатлиликни мустаҳкамлашнинг бир асосига айланган.

Аҳиллик ва иноқлик айниқса, юртни ёвлардан ҳимоя қилишда, унга қарши курашда ўз аксини топади. Бир тан, бир жон бўлиб жанг қилган ота-боболаримиз кўплаб душманларни енгиб, она тупроғимизни босқинчилардан асраб қолган.

Кишилик жамияти тараққиётининг асоси тинчликдир. Тинчлик, осойишталик бор жойда ривожланиш бўлади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиб бораётганини аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдан эканлигини жўн ҳажоатчилик, ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролар билан ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб бораётгани, жойларда осойишталикни сақлашда асосий омил бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Рамазон ойида инсонларнинг аҳил яшаш одоби янада ўзини намоён этди. Рўза тутиб, қалбини поклаш ниятида бўлган кишилар бир-бирлари билан янада иноқлашишди. Ифторликда инсонийликнинг фазилатларидан суҳбат қуриб, Қуръони карим тиловаб қилиб, Ҳадиси шарифдан намуналар ўқиб, одоб-ахлоқ бобида бир-бирларидан ўргандилар. Шу жиҳатдан

олганда Исломи дини кишиларни дўстликка, биродарликка чақиради. Ҳатто мўминларнинг уч кундан ортиқ бир-бирлари билан аразлашиб юришлари қораланади. Пайгамбаримиз «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, ўз биродари-

га зулм қилиши ва хўрлаши мумкин эмас. Кимда-ким бир-бирининг ҳолатида бўлса, Аллоҳ у банданинг ҳолатида бўлади», деганлар. Инсонларнинг бир-бирлари билан келишолмай, уришиб юришлари жамиятга фойда келтирмайди, албатта. Шунинг учун ҳам иноқлик, дўстлик инсонлар учун энг зарур хислат. Бироқ жамиятимизда шундай кишилар ҳам борки, улар одамлар ўртасига нифок солиш, уриштириб қўйиш билан хузурланади. Ўзларининг мараз иллатлари билан бутун жамиятга зарари етаётганлар ҳам бор.

Гарчи барча динлар кишиларни ўзаро аҳилликка чақирса-да, айрим ақидапарастлар ўз манфаати йўлида, динни нотўғри талқин қилиб, ёшларни алдаб, уларни қотилликка, қон тўкишга, нифок чиқаришга ундапти.

Ўзаро аҳилликка эришиш ва уни мустаҳкамлашнинг йўллари кўп. Бунинг учун, аввало, инсонларнинг ўзларида хоҳиш, ирода

бўлиши керак. Инсон бошқалардан алоҳида яшаш мумкин эмас. Гарчи инсон инсон учун керак экан, уларнинг ўртасида иноқлик бўлмоғи керак. Аҳиллик, тотувликни хуш кўрмайдиганлар, ўзининг ёмон хислатлари билан бошқаларни ўзидан нари юришга мажбур этадиганлар жамиятнинг бир доғи сифатида дилни хира қилиб турари.

— Кеча озгина кайф билан келиб, жанжал қилганим, шунга аразлаяпти, — деди танишим хотинининг ҳолатини кўриб. Меҳмонхонага ўтиб энди жойлашиб ўтирган эдикки, ҳовлида болаларнинг қий-чуви, кейин онасининг қаргаган овози эшитилди. Танишим мендан хижолат чекдим, ҳар қалай ўрнидан туриб эшикни очиб, аввал болаларини, кейин хотинини бўралаб сўкиб берди. Сездимки, оилада бир-бирини хурмат қилиш йўқ. Эр-хотин тез-тез жанжаллашганини кўрган болалар улардан ўрнак олиб, бир-бири билан чиқишмайди.

Суҳбат айланиб турмуш шaroитига келганда танишимнинг гап қопи очилиб кетди.

— Топганим рўзгорга етмайди, — деди у.

Суриштирсам маошидан нолимас бўлади, яна хотини ҳам ишлайди. Ноаҳиллик хонадондан файзни, баракани қувган. Шунини ётиги билан тушунтирдим. — Бувим ҳам, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади, дердилар, — деди у айбини тан олиб. Афсуски, ана шундай оилалар жамиятимизда учраб туради. Яна энг ачинарлиси, арзимаган баҳона, ўзаро келишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар боис оилалар бузилиб кетаяпти. Яхши ниятлар билан тузилган никоҳ бекор қилиниб, икки ўртада беғуноҳ фарзандлар сарсон, ота-она меҳридан бебахра бўлиб қолмоқда. Халқимизда оила тинч бўлса, маҳалла тинч,

МЕҲРУ-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК!

Бир танишим уйига таклиф қилиб қолди. Кўпдан бери кўришмаганимиз учун бироз суҳбатлашиб келай деб, унга эргашдим. Эшикдан киришимиз билан ҳовлида ўйнаб юрган болалар шошапиша салом бериб, тезда тарқалиб кетишди. Ошхонадан бизга пешвоз чиққан хотини мени кўриб энсаси қотдим, қовоғини очмай гудраниб саломлашди-да, яна юмушига уннаб кетди.

Маҳалланинг тинчлиги эса юрт тинчлигидир, деган пурмаъно ибора бор. Оиланинг тинчлиги, аввало, хонадондаги яшаш тартибининг ўзаро муносабатига боғлиқ. Кичиклар катталарни хурмат қиладиган, катталар кичикларга меҳрибон бўлган оилада доимо аҳиллик ҳукм суради. Бу рўзгорга барака киритади, хонадонга файз бағишлайди.

Оила аҳиллиги биринчи гада ота-онага боғлиқ. Эр-хотин бир-бирига меҳру-оқибатли, бир-бирларига ишончи мустаҳкам бўлмоғи керак. Қуръони каримда ота-она фарзандларга тарбия бериш учун биринчи гада ўзлари тарбияли бўлишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Пайгамбаримиз «Отанинг болага берадиган энг катта тенги йўқ, баҳоси йўқ нарса, бу ҳусни одобдир», «Болаларингизни хурмат қилинг, меҳрли, оқибатли бўлинг. Қиздир, ўғилдир, болаларингизга меҳру-шафқат кўрсатишингиз ибодат бўлади», деб таълим берадилар. Бу ҳикматли сўзлар оила аҳиллигининг асоси, хонадонга ёғиладиган файзу барака заминидир.

Оиламиз тинч, рўзгоримиз баракали, хонадонимиздан файз аримаслигини истасак, аввало, оила аъзоларимизга меҳру-оқибатли бўлайлик!



Кўпмиллатли жамиятда яшаймиз. Инсонлар ирқи, миллатидан қатъи назар бир ота-онадан тарқалганини кўпчилик яхши билади. Демак, ер юзидаги ҳамма одамлар бир-бирларига қондошдирлар. Шунинг учун миллатчилик қилиш, биринчидан, одобсизлик саналса, иккинчидан, гуноҳдир. Ирқий камситиш эса халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлиб, жавобгарликка тортилиш учун асос бўлади. Шу жиҳатдан олганда ҳам ер юзи халқлари бир оила фарзандидек аҳил, тотув, биродарлашиб яшашлари керак.

МИЛЛАТНИ СЎРАШАНТ!

Мамлакатимизда юзга яқин миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий урф-одатлари, анъаналарини давом эттиришлари учун имконият берилган. Шунингдек, фуқароларнинг виждон эркинлиги Конституциямиз томонидан ҳимоя қилинади. Ҳар бир фуқаронинг бирор динга эътиқод қилиши ёки умуман динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатланади.

Мустақиллик йилларида республикамизда яшаётган миллат вакиллари ўз маданий марказларини ташкил этишди. Миллий байрамларини, анъанавий маросимларини нишонлаб, бошқа миллатларга намойиш этишяпти.

Ички ишлар идоралари ходимлари орасида мамлакатимизда яшаётган деярли барча миллат вакиллари билан бор. Улар ўз вазибалари ва бурчларини сидқидилдан адо этиб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқдалар. Жамоада ҳар бир ходим бир-бирига



йўлдош, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиши лозим. Ходимларни миллатидан қатъи назар хурмат-эътиборда бўлиши жамоанинг мустаҳкамлиги ва равангага хизмат қилади.

Миллатларнинг аҳиллиги, иноқлиги инсоний фазилатлардан биридир. Ер юзидаги ҳамма динларда, жумладан, Исломда бошқа диндаги кишиларни хурмат қилиш, уларни камситмаслик, ҳатто умуман динга эътиқод қилмайдиган кишиларга нисбатан ҳам ёмонлик қилмаслик буюрилган. Бошқа миллатни камситиш, миллий анъаналарини менсимаслик одобсизлик ҳисобланади. Қуръони каримнинг «Хужурат» сурасида «Бир миллат бир миллатни таҳқир қилмасин, балки ўша таҳқир назари билан қараётган миллатнинг ичиде сиздан ҳам яхшилари, поклари бордир» дейилади. Дарҳақиқат миллатнинг ёмони бўлмайди, балки миллат ичиде ёмон хулқи, одоби, ахлоқи бузуқ кишилар бўлиши мумкин.

Хулоса шуки, юртимиз фаровонлиги, тинчлиги миллатлараро тотувлик, ҳамжихатликка боғлиқ экан, бошқа миллат вакиллари хурматлаб, уларнинг қадриятларини ўрганиб, зарур бўлса қўллаб, миллатпарварлик фазилатларини намоён этишимиз керак. Ана шунда бошқаларнинг миллатимизга бўлган хурмати янада ошади, қолаверса, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро бир оила фарзандидек ҳамжихатликда бўлади.

ИНОҚЛИККА НИЩА ЕТТСИН

Аҳиллик оила мустаҳкамлигининг асоси бўлгани каби, иноқлик, биродарлик, ҳамжихатлик жамоанинг устунидир. Жамоанинг иноқлиги ҳақида гап кетганда беихтиёр рус масалчиси И. Криловнинг «Оққуш, чўртанбалик ва қисқичбақа» масали ёдга тушади. Ҳамжихатлик бўлмаган жамоада ана шундай манзарани кўриш мумкин.

Ўзаро иноқлик, ҳамжихатлик жамоа аъзоларидан инсоний фазилатларни талаб этади. Биринчи гада ўзаро хурмат бўлмоғи керак. Оддий ходимдан раҳбаргача хурмат-иззатга лойиқ. Ташкилот, муассаса, идора, фирма ва бошқа тузилмаларнинг обрў-эътибори жамоа аъзоларининг аҳиллик, иноқлигига боғлиқ.

Гуруҳбозлик, бир-бирини гийбат қилиш, айбини қидириб, обрўсизлантириш жамоа устунига зарба бўлади. Зарб урилавеган устун заифлашиб, бир кун кели ағанаиди, жамоа тарқаб кетади.

Жамоанинг мустаҳкамлиги ўзаро иноқликка боғлиқ, дедик. Иноқликнинг асоси эса меҳру-оқибатдир. Эр-талаб очик юз билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, яхши кайфият билан ишга киришилса, меҳнатнинг унуми бўлади. Бунда катта ёшдагилар ўрнак кўрсатишлари лозим. Чунки ёшлар уларга қараб қадам босади, халқ таъбири билан айтганда, чиллаки чиллакидан ранг

олади. Ўзаро муносабат, меҳру-оқибатнинг даражаси ёшлар тарбиясига катта таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Ўз обрўсини кўтариш, мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида раҳбарга яхши кўриниш ниятида бошқаларни ёмонлаш ўта разиллик ҳисобланади. Бу иллат Қуръони каримда ҳам қаттиқ қораланади, Ҳадиси шарифда энг катта гуноҳлардан бири деб таърифланади. Бундай кишилар ҳар қанча савобли иш қилмасин, ҳисобга олинмайди, деб таъкидлашган уламолар.

Ўзини яхши кўрсатиш ниятида бошқанинг айбини кўпайтириб кўрсатиш ҳам гийбатга кирди. Расулulloҳдан «Эй Аллоҳнинг пайгамбари, гийбат нима?» деб сўрашди. Расулulloҳ (с.а.в) «Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дедилар. «Биродаримда мен айтган нарса бўлмаса-чи?» дейишди. Пайгамбаримиз: «Агар айтганинг унда бўлса, гийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», деб жавоб бердилар.

Жамоани гийбат, иғво, бўҳтон парокандаликка олиб келади. Бу эса биринчи гада баракани қувса, иккинчидан, ўзаро иноқликка путур етказди. Бундай шарoитда ишдан унум, жамоадан обрў йўқолади. Бу ҳолатта йўл қўймаслик учун, жамоанинг ҳар бир аъзоси инсоний фазилатларни унутмаслиги керак. Булар асосан одоб, ахлоқ, меҳру-оқибат, иноқлик ҳамжихатлик, хурмат ва эътибордир.




Тишлар инсон саломатлигининг кўзгусидир. Энг ёмон одатларимиздан бири ўз соғлигимизга эътиборсизлигимиздир. Кўпчилигимиз оғриқ жонимиздан ўтмагунча шифокорга мурожаат қилмаймиз. Айниқса, тиш касалликларига эътиборсиз бўламиз. Ваҳоланки, тишларимиз нафақат кўркимиз, балки саломатлигимиз гарови ҳамдир. Шунинг учун мазкур мавзуда республика ИИВ Стоматология поликлиникаси шифокор-пародонтолог Нозима ХУЖАЕВА билан суҳбатлашишга қарор қилдик.

ҲАМ КЎРК, ҲАМ СОҒЛИҚ ГАРОВИ

— Авваламбор стоматологик касалликларнинг турлари ҳақида тўхталсангиз.

— Кўпчилик кариес касаллигини билади, холос. Фақат тиш қопламаси емирилиб, ковак ҳосил бўлиб, оғриқ кучайсагина шифокорга югуришади. Ваҳоланки, бундан ташқари оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати яллиғланиши, пародонт (тиш атрофи тўқималари) хасталиклари ҳам тез-тез учраб туради. Стоматологик касалликларнинг келиб чиқишига биринчи навбатда оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлади. Кун давомида киши овқатланади, турли ичимликлар ичади. Натижада тиш юзасида бактериялардан иборат юмшоқ қараштлар тўпланади. Уларни ўз вақтида тозаламаслик натижасида бактериялар ўзларидан токсинлар ажратиб, тиш тўқималарининг емирилишига ва милкларнинг яллиғланишига сабаб бўлади. Кейинроқ юмшоқ қараштлар сўлак таркибидаги минераллар билан бирикиб, тиш тошларига айланади. Тиш тошлари эса ўз навбатида доимий инфек-



ция ўчоғи сифатида, аксарият ҳолларда стоматологик касалликларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

— **Ҳақиқатан ҳам айниқса, пародонт касаллигига кўп-да эътибор бермаймиз.**

— Биласизми, тиш олдирадиганларнинг аксар кўпчилиги пародонт касаллигига чалинган бўлади. Тўғри, стоматологик ка-

салликларнинг ўзи ҳаёт учун у қадар хавфли ҳисобланмайди. Лекин уларнинг оқибатида организмнинг овқат ҳазм қилиши ёмонлашади, юрак-қон томир, нафас олиш тизимлари фаолияти бузилади. Юз кўринишининг хунуклашиши, нутқнинг ўзгариши, оғиз бўшлиғидан ноҳуш ҳидларнинг келиши ҳам шу касалликлар оқибати бўлиши мумкин.

бўшлигини парваришлаш бўйича маслаҳат бериши учун унинг тишлари ва милкларининг ҳолатидан келиб чиқиши лозим.

Лекин тиш тозалаш техникасини мукамал билган, унга амал қилган киши ҳам йилда бир-икки марта шифокор-стоматологга кўриниб туриши керак. Чунки унинг ўзи тиш оралари, милк ости ва шунга ўхшаш жойларни қараштлардан тозалай олмайди.

Айрим тиш пасталари тишга, баъзилари милкка кўпроқ фойдали бўлади. Тиш чўткасининг юмшоққаттиқлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Шунинг учун бу борада шифокор билан бамаслаҳат иш тутган маъқул. Масалан, «Ўрмон малҳами» пастаси милкларга жуда фойдали.

— **Тишларнинг саломатлигини сақлаш учун қанақа зарарли одатлардан халос бўлиш зарур?**

— Тамаки, носвой чекиш, ичкиликбозлик, тишда данак чақиш, тирноқ тишлаш зарарли одатлардан ҳисобланади. Муздай ичимлик ичиш ҳам тишга зиён.

— **Ширинлик ҳам зарарли дейишади.**

— Меъеридан ортиқ ширинлик, шўр егуликлар истеъмол қилиш нафақат тишларга, балки умуман соғлиққа зарар.

— **Ярим тунда тиш оғриб қолса, нима қилиш керак? Баъзилар намақобда чайилса оғриқ қолади дейишади...**

— Намақоб ўнтадан бир кишига наф бериши мумкин, холос. Оғриган тишимга иссиқ ёки совуқ нарса боссам, оғриқ қолади деб ўйлаш ҳам хато. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишингиз — оғриқ баттар кучайиши, хасталанган жой йиринглаб кетиши мумкин. Энг яхшиси оғриқ қолдирувчи дори ичиб, эрталаб зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

— **Кўпинча одамлар то жонидан оғриқ ўтмагунча шифокорга мурожаат қилишдан чўчишади. Улар психологиясидаги ана шу қўрқувни енгиш керакми дейман-да.**

— Чўчишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Авваламбор ҳар қандай муолажалар оғриқсизлантирувчи дори-дармонлар ёрдамида амалга оширилади. Стоматология соҳаси, техникаси ҳам ривожланиб борапти. Қолаверса, озгина азият чекиб даволаниш вақтида даволанмай кейин узоқ вақт ёки бир умр азият чекиб юргандан афзал-ку!

— **Болалигим қишлоқда ўтган. Бир қўшнимиз бўларди. Шу киши олтмиш ёшдан ўтганида илк бор тишлари касалланиб тушибди. Ушанда «Тиш оғриқ ёмон бўлар экан», — деган эдилар. Демокчиманки, тишларнинг бакуват, касалликларга чидамли бўлиши ирсиятга ҳам боғлиқ бўларкан-да. Шу тўғрими?**

— Тўғрилиқ тўғрику-я, лекин шундай экан деб тишларнинг парваришига эътиборсиз бўлиш ҳам хато. Акс ҳолда тишлар тез касалланиб, кишидан келгуси авлодига ҳам ана шу касалликларга мойиллик ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳаммиша оғиз бўшлигини парвариш қилиб юриш лозим.

— **Тишлар соғлом бўлиши истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларга ҳам боғлиқми?**

— Албатта. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари витаминларга бой, таркибида кальций, фтор моддалари етарли бўлиши катта аҳамиятга эга.

Суҳбатдош: Хуршид ТОШЕВ.

МИСВОК (ТИШ ТОЗАЛАГИЧ) ТУТИШГА ОИД ҲАДИСЛАР

1. Мисвок ишлатиш тўғрисида сизларга кўп айтдим.
2. Мисвок туттишга шунчалик кўп буюрдимки, ҳатто фарз қилиниб қолармикан деб кўрқдим.
3. Мисвок оғзини яхши қилади ва Аллоҳнинг ризосига эга қилади.
4. Мисвок туттиш туғма табиатдандир.
5. Мисвок барча дардга даво, аммо «сом» (шиш)га эмас. «Сом» — ўлим демақдир.
6. Мисвок туттиш, чунки у яхши нарса: мисвок тишнинг тошларини кетказди, балғамни кетказди, кўзни жилолантиради, милкни шиққайди, оғзининг ёмон ҳидини кетказди, меъдани тузатади, жаннатдаги даражаларни оширади, малонкаларга ҳамд айттиради, Аллоҳнинг ризосини олдиради ва шайтонга нисбатан ғазабни кўзгатади.
7. Мисвок туттиб бир вақт намоз ўқин, мисвок тутмай олгани бор намоз ўқигандан афзалдир.

ТАБИЪ ЮСУФИЙ МАСЛАҲАТЛАРИ

ТИШ ОҒРИҒИ

Иесикдан тиш оғриси, сиркага гулоб қўшиб, уни чайиш керак. Сўнг сиканжубин (сирка ва асал аралашмаси) ичиш лозим. Тиш оғригининг олдини олиш учун вақти-вақти билан мош, қовоқ солинган таомлар тановул қилиб туринг.

ТИШ ҚАМАШИШИ

Тиш гоҳ-гоҳида қамашиб безовта қилиб турса, семизўт уруғини енг. Эътиборсизлигингиз оқибатида дард кучайса, ташвишингиз ортади.

ТИШ ҚУРТЛАСА

Бундай ҳолда порей пиёзига эчки ёғи қўшиб тутатиб, тишни туттиш керак. Шунда тиш қуртидан халос бўласиз.

МИЛКНИНГ БЎШАШИШИ

Кимда-ким милклари бўшашиб, беҳол бўлса, қуритилган қизил тул, анор гулини туйиб ҳар кеча милкига оз-оздан сенсин.

МИЛК ШИШИ

Агар милклар қондан шишса, у ҳолда қонни олдиришга тўғри келади. Бордию милк бошқа хиллар туфайли шишса, унга зарур сурғилардан суринг.

«ИССИФИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

Оила отасиз қолди

Навоий вилоятининг Конимех туманидаги «Ғиждувон-Шўркўл» йўлининг 230-километрида, йўл четидан 45 ёшлардаги эркак кишининг бўйин ва кўкраги тиглаб ташланган ҳолдаги жасади топилди.

Воқеа жойини кўздан кечирган тезкор гуруҳ биринчи галда мархумнинг шахсини аниқлади. Жасад ушбу тумanning К. Раҳимов номи ширкат хўжалигида яшаган 1961 йилда туғилган Ҳикмат Ҳожиёв бўлиб, у Р. Ҳамидовга тегишли бўлган 21 G 5535 рақамли «Тико» автомашинасида ишонч қоғози билан киракашлик қилгани уйдан чиқиб кетган экан.

Қидирув ишларига тезкор ходимлардан ташқари вилоят

ИПХ ходимлари ҳам ёрдамга келди.

Орадан бир кун ҳам ўтмай жиноятчилар қўлга олинди. Ғиждувон туманининг Булақиён қишлоғида яшовчи Қ. Ихтиёр ва унинг укаси 17 ёшли Зоир ва ундан икки ёш катта бўлган Ф. Ферузлар машинани ўзлариники қилиш учун бир оилани боқувчисиз қолдиришдан ҳам тоймадилар. «Тико» Ихтиёрнинг уйдан топилди.

Исмоил МИНАВАРОВ,
майор.



Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида яшовчи 1979 йилда туғилган У. Нигора шу йилнинг июль ойида Норин туманида яшовчи 78 ёшли М. Собирдан 50.000 сўм қарз олиб, ҳар ойига 40 фоиз устамаси билан тўлашга келишиб олган. Қайтарилиши лозим бўлган пул 150.000 сўмга етгач, М. Собир пулни талаб қила бошлади. Нигора эса бу вазиятдан қутулиш учун қалтис ишга қўл урди. У ўзининг 33 ёшли Саодат исмли таниши билан тил бириктириб, М. Собирга аввал ичириб, кейин арқон билан бўғиб ўлдиришни режалаштирди.

Инсон умри неча пул?

28 октябрь соат 22 дан 30 дақиқа ўтганда икки дугона ниятларини амалга ошириш мақсадида М. Собирнинг уйига келиб «иш»га киришишди. Бироқ бу воқеалардан хабардор бўлган қонун посбонлари шу ерда эдилар...

Ҳозирда Наманган вилояти прокуратураси томонидан айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ушбу қабих иш юзасидан шуни қўшимча қилмоқчимизки, Нигоранинг «ногорасига ўйнаган» Саодат ўлим тўшагида ётган инсонни ҳаётга қайтарувчи соҳада, яъни тиббий муассасалардан бирида ишлар экан...

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Суднинг қора курсисидан бир аёл ўтирибди. Кўринишидан муштипар. Надомат чекади. Суд раисига илтижоли кўзларини тикади. Содир этган жиноятдан пушаймон эканлигини, оиласи моддий жиҳатдан қийналаётганлиги боис оғуфурушликка қўл урганини яширмай айтади. Қарамоғида 7 нафар фарзанди борлиги шундан 5 нафари вояга етмаганини, катта фарзанди руҳий касал, турмуш ўртоғи пенсионер, бундан ташқари 75 ёшли қайнонаси ҳам борлигини йиғлаб-сиқтаб баён этади.

мида Сўғд вилоятининг Зафаробод тумани ҳудудидан айланма йўллар орқали Сирдарё вилоятидаги Ховос шаҳрига олиб киради. Сўнг йўловчи автоуловларда Тошкент шаҳрига қараб йўл олади. Аммо Зангиота туманидаги «Қуёшли» блокпости ходимлари ҳушёрлик қиладилар. М. Орзикулова тўхтатилиб у холислар иштиракида кўздан кечирил-

фатида олиб қўйилади. Кейинчалик суд-кимёвий экспертизаси хулосасига кўра, М. Орзикуловдан олинган модда героин эканлиги маълум бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди Мавлуда Орзикуловани 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Суд унга нисбатан амнистия тўғрисидаги фармоннинг 6-моддаси «а» бандини қўллаган ҳолда жазо муддатин тўртдан бирига қисқартириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Суд ҳайъати жазо тайинлаш чоғида айбланувчининг қаттиқ пушаймон экандлиги, биринчи марта судланаётгани, қарамоғида балоғатга етмаган фарзандлари ва кекса қайнонаси борлиги каби энгилаштирувчи ҳолатларни инобатга олди.

Гиёҳвандликни халқимиз тили билан айтганда сиртмоқ, лейдилар. Уни бошқалар бўйнига солмоқчи бўлганларни эса муқаррар жазо кутмоқда.

Гулшоҳа ҚУРБОНОВА.

СИРТМОҚ



Қора курсида ўтирган бу аёл 1955 йилда Тожикистон Республикасида туғилган. Қамоққа олингунга қадар Тожикистоннинг Сўғд вилояти, Истаравшан шаҳрида истиқомат қилиб келган Мавлуда Орзикулова бўлади. У дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Салим исмли шахс билан жиноий тил бириктириб, 500 АҚШ доллари эвазига Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган деҳқон бозорларида кўп миқдордаги героиннинг ҳар бир граммини 5 минг сўмдан сотиб келиш ҳақида тил бириктириб олади. «Ўша пайтда

якши билган-ку! М. Орзикулова келишув бўйича Салимдан 80,8 грамм героинни олиб, ўша Салим исмли кимса ёрда-

ганда, унинг эғнидаги костюмининг ўнг чўнтаги ичидан елимхалтага ўралган оқ рангли кукунсимон модда топилиб, далилий ашё си-

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

БОСҚИНЧИ УШЛАНДИ

Тошкент шаҳрининг М. Улугбек туманида номаълум шахс тадбиркор В. Актишевни кўзи ва елкасига пневматик қуролдан ўқ отиб, ичида 3 млн сўмлик тилла тақинчоқлари ва 1 млн сўм пули бўлган сумкасини олиб қочган. Тезкорлик билан кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган 25 ёшли М. Евгений қўлга олинди.

ЭРУ ХОТИН ҚЎШ ҲЎКИЗ...- МИ?

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида яшовчи 49 ёшли эр-хотин М. Бобо ва Жамилалар Гулистон шаҳрига келиб, 3 килограмм героинни 15.000 АҚШ долларига сотаётганларида ушландилар.

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Ичкиликбозлик қилиб маст ҳолда инсонийлик шаънини топтагани етмагандек ўзи яшайдиган Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйнинг 3-қавати йўлагидан кўшниси — 40 ёшли И. Илвиковани туртиб пастга йиқитиб юборган ва бунинг оқибатида аёлга оғир жароҳат етказган Юрий Плетковга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН

Жаҳли чиққанда ақли кетган пойтахтнинг Ҳамза туманида яшовчи Олег Овчинников маст ҳолда ҳамкасби, ёғочни қайта ишлаш заводи ишчиси Денис Вяженцевни бўғиб ўлдирди. Ўзига келгач эса бу ишдан пушаймон бўлиб, ички ишлар бўлимига хабар қилди.

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН

Бухоро вилоятининг Газли шаҳрида яшовчи Алексей эндигина йигирма ёшни қаршилаган бўлишига қарамай муқаддам судланган. Яқинда Алексей яна жиноятга қўл уриб, терговчи саволларига жавоб берар экан, унинг очилмаган «қирралари» маълум бўлди. Жумладан, шу йилнинг 5 сентябрь куни Газли шаҳрида яшовчи Р. Умаровага нисбатан жисмоний куч ишлатиб, 258.000 сўм пулини олиб кетган экан.

УЗОҚҚА КЕТОЛМАДИ

Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида яшовчи 1973 йилда туғилган Қ. Сайфиддин бекат олдида турган М. Одилованинг бўйнидаги тилла занжири юлиб қочаётган вақтида шу ҳудудда хизмат вазифасини бажариб юрган ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙХХБ ИПХ батальони 3-отряд сардорининг ўринбосари, майор А. Исроиловга акаси Абдурахмон ИСРОИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ раҳбарияти ва шахсий таркиби муассаса бошлиғи, подполковник О. Назарбоевга онаси ЗУЛХУМОР аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Мусулмон оламида муборак ҳисобланган Рамазон ойи поёнига етди. Қалбида иймон, эътиқод ҳисси жўшган мўминлар, мўминалар жисмонан ва руҳан покланиш учун ислом аҳкомларидан бири бўлмиш Рамазон ойи рўзасини тутиб, Аллоҳга ибодат қилдилар. Барака, раҳмат ва мағфират ойи аталмиш Рамазони шарифда яна бир синовдан ўтилди.

Рўза кунлари ўзларини мўмин мусулмонлар қаторида ҳис этиб, Аллоҳ томонидан буюрилган амалларни бажарган кишилар ажру савобга эга бўлганлари шубҳасиз. Рўза тутишга имкони бўлмаган қариялар, беморлар фида бериб, савоб олдилар. Закот бериб камбағал, кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга моддий кўмак берганларнинг давлатига Аллоҳ яна барака беради. Ана шундай файзли кунлар ортада қоли. Бир ой инсон умрида унча катта бўлмаган муддат. Аллоҳ бандаларнинг билиб-билмай қилган гуноҳларидан фориғ бўлишлари учун имконият яратган. Бироқ айримлар ундан фойдаланиш ўрнига рўза тутиш, Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига гуноҳи кабиралар қилишни давом эттириш билан ўтказдилар.



МЕХР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ БАЙРАМИ

Ичкилик ичишдан ўзини тиймаган, бировнинг ҳақиқа хиснат қилган, кашандалик, гиёҳвандлик балосидан қутилишга ҳаракат қилиб кўрмаганлар ҳам шу ойни ўтказишди. Ушбу муқаддас кунларни ғийбат, иғво, бўхтон қилишдан ҳузурланиб ўтказганларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Рамазони шарифда қилинган яхши амаллар учун Аллоҳ бошқа ойларидагидан анча кўп савоблар эсади. Шунингдек, гуноҳлар учун ҳам бир неча баробар кўпаяди. Имкониятдан фойдаланиб қолганларнинг руҳи тетик, қадди баланд, ўзларини энгил ҳис этиб байрамни

кутиб олдилар. Уни қўлдан берганлар эса Аллоҳ томонидан гуноҳларига яраша жазоланишади. Бугун ер юзи мусулмонлари Рамазон ҳайитини нишонламоқдалар. Ушбу айёмда кишилар бир-бирларини муборакбод этиб, шод-хуррамликлар ила дийдорлашишади. Бу байрам ўз номи билан меҳр-оқибат айёмидир. Биринчи гада кексаларни йўқлаб, уларнинг дуосини олиш катта савоб иш. Беморларни айём билан қўтлаб, соғлиқ тилаган киши Аллоҳни йўқлаб борган билан баробар, дейишади уламолар. Ширин сўз билан бетоб ётган кишига саломатлик

тилашдан келадиган савоб улуг бўлади. Қариндош-уруғларнинг ҳолидан хабар олган кишининг ҳар бир қаламига ажру савоб эзилади. Ёлғиз кишиларга меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Муборак ҳайит кунларида уларнинг ёлғизлигини билдирмай, хонадонини тўлдириб, кўнглини кўтариш ҳар қандай хайрли ишдан кам эмас. Халқимизда етимнинг бошини силаган муродиға етади, деган ҳикматли сўз бор. Маълум сабабларга кўра ота-онасидан ажраб қолган болаларни ҳайит байрамида хурсанд қилиш мусулмонлик бурчимиз эканини унутмаслик керак.

Рамазон ҳайити яна саховат байрами ҳамдир. Кам таъминланган оилалар, етимлар, ёлғиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатган кишининг бойлигига Аллоҳ янада кўпроқ барака беради. Саховат кўрсатган кишининг хонадонидан файз аримайди.

Бу айёмнинг яна бир фазилати шундаки, аразлашиб юрган, бир-бирдан гина-қудурати зор кишилар ярашиб кетдилар. Ҳатто урушлар ҳам тўхтаб, томонлар ўзаро келишиб олишгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Шундай экан, айрим сабаблар билан бир-бирдан гиналашиб, аразлашиб қолганлар биродарлик қўлини чўзиб, ҳаммасини унутиб яна иноқлашиб кетсалар нур устига аъло нур бўлади.

Рамазон ҳайити улуг байрам, шод-хуррамлик маросими. Шундай экан айрим хонадонларда бу дунёдан ўтиб кетганларни эслаб йиғини қилиб, азани давом эттириш жойиз эмаслиги ва марҳумни йўқлаб, Қуръон тиловат қилиб, руҳини шод этишнинг ўзи кифоя эканлигини эслатиб ўтаемиз.

Асрлар бўйи давом этиб келадиган Рамазон ҳайитини республикамиз аҳли мустақилликка эришилгандан кейин эмин-эркин байрам қиладиган бўлди. Бу қутлуг айёмнинг биринчи кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланади ва дам олиш кунини ҳисобланади.

Муборак Рамазон ҳайити муборак, азизлар! Эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишида Аллоҳ маладкор бўлсин.

ЮРИДИК ЧАЙНВОРД

1. Давлатнинг барча қонунлари асоси.
2. Жиноятчи ва унга тегишли воситаларни яшириш.
3. Ҳуқуқнинг бирор соҳасига оид тартибга солинган қонунлар тўплами.
4. Терговда шахсдан кўрсатув ҳамда тушунтириш олиш воситаси.
5. Тергов органлари ёки суд томонидан қўлланиладиган дастлабки эҳтиёт чора.
6. Яширинган жиноятчи ёки бедарак йўқолган шахсларни излаб топишга қаратилган фаолият.
7. Ўлкамиздаги йирик маъмурий-худудий бирлик.
8. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларнинг бири.
9. Жорж Сименон детектив романларининг бош қаҳрамони.
10. Жиноят ишларини кўриб чиқишда иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни махсус текшириш орқали олишга қаратилган процессуал ҳаракат.
11. Одилона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик.
12. Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чи-

13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида назарда тутилган жиноят.
14. Офицерлик унвони.
15. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи давлат органларининг қонунчиликни таъминлашга оид фаолият шаклларида бири.
16. Жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов олиб бориш билан шуғулланадиган лавозимли шахс.
17. Икки ёки ундан ортқ шахсларнинг биргалашиб қасддан жиноят қилиши.
18. Чегарадан яширинча чет элга ғайри қонуний мол чиқариш.
19. Жавобгарликка тортишнинг зарур шарти.
20. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят.
21. Ҳуқуқ фанлари бирининг номи.
22. Қадимги Афинада олий ҳокимият ва олий суд органи.
23. Австриялик юрист, криминалистика ва суд психологиясининг асосчиларидан бири.
24. Таниқли ўзбек ҳуқуқшунос олимаси, академик.
25. Айбланаётган шахснинг гуноҳсизлигидан далolat берувчи ҳолат.
26. Ҳодиса рўй берган жойда транспорт воситасининг гилдиракларидан, жиноятчининг оёқ ёки қўлидан тупроқ ёхуд буюмларга тушиб қолган белги.
27. Зиён.
28. Битим ёки ҳужжатдаги зарурий расмий қисмлар.
29. Жазони ижро этиш муассасаларининг бир тури.
30. М. Т. Калашников ихтироси.
31. Криминалистиканинг бўлимларидан бири.

Истеъфодаги подполковник
Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

42-СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАННИНГ ЖАВОБЛАРИ

- Энига: 1. Кейптаун. 2. Футбол. 3. «Арктика». 4. Одим. 5. Бол. 6. Рубоб. 7. Ангрен. 8. Шота. 9. Суперчетеродин. 10. Ютук. 11. Терема. 12. Шона. 13. Рафика. 14. Рига. 15. Урнак. 16. Амири. 17. Лая. 18. Крит. 19. Тарози. 20. Нам. 21. Саёҳат. 22. Олма. 23. Ирок. 24. Ми. 25. «Тико». 26. Риал. 27. Катлама. 28. Асал.
- Бўйига: 1. Карбюратор. 2. «Рус-там». 3. Али. 4. Бу. 5. Фирма. 6. Топкир. 7. Ал. 8. Тибет. 9. Кизик. 10. Ака. 11. «Реал». 12. Ангор. 13. Ан. 14. От. 15. Нигерия. 16. Акл. 17. «Форт» 18. Гамма. 19. Уд. 20. Емак. 21. Сим. 22. Тин. 23. Урама. 24. Шош. 25. Риё. 26. Ободон. 27. Хис. 28. Лотин. 29. Абак. 30. Улан. 31. Стол.

Криптограмма:

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КУНДУЗГИ АДЪЮНКТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БҮЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 12.00.02 давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ;
- 12.00.08 жиноят ҳуқуқи; криминалогия; жиноят-ижроия ҳуқуқи;
- 12.00.09 жиноят жараёни; криминалистика; тезкор қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси.

Адъюнктурага ички ишлар органларининг юқори ва ўрта таркибдаги ёши 35 гача бўлган шахслар қабул қилинади.

Адъюнктурага номзодларни танлаш ички ишлар идоралари (муассасалари) томонидан олий юридик маълумотли (шунингдек, магистрлик дипломига эга) илмий тадқиқот ишларига иштиёқли ва танлаган мутахассислиги бўйича бир йиллик амалий иш стажига эга ходимлар орасидан ўтказилади.

Адъюнктурага кирувчи шахс танлаган илмий ихтисослигини кўрсатган ҳолда билдирги беради.

Танловни ўтказувчи орган ҳар бир номзод бўйича Академияга қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:

- 1) номзоднинг шахсий

ҳужжатлари йиғмажилди; 2) номзоднинг ўқув ҳужжатлари йиғмажилди. Унда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1-шакл бўйича маълумот (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда);
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (фотосурати билан);
- таржимаи ҳол;
- хизмат тавсифнома-си — йўлланма;
- гувоҳнома учун 4x6 ҳажмидаги иккита рангли фотосурат;
- олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси ва синов варақаларидан кўчирма;
- соғлиғи ҳақида маълумотнома;
- нашр этилган илмий ишлари, кашфиётларининг рўйхати, илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот. Улар бўлмаса, танлаган ихтисослиги бўйича ҳажми 15-20 саҳифадан (компьютерда 1,5 ораликда) иборат бўлган илмий реферат (маъруза);
- олий ўқув юртини тугатиб, адъюнктурага кирмоқчи бўлган шахслар

учун олий ўқув юрти Илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма;

— номзодлик имтиҳонларини топширган шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган 2.2-шаклда номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этадилар. Номзодлик имтиҳонларини топширганлар кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар.

Олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг асл нусхасини эса адъюнктурага кирувчининг шахсан ўзи кўрсатади.

Фалсафа, чет тили ва мутахассислик бўйича имтиҳонлар 2005 йилнинг декабрь ойи мобайнида ўтказилади.

Ҳужжатлар 2005 йилнинг декабрига қадар қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 65-23-59; 133-78-45; 139-71-55.

Академия манзили: 700197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAEV

Mas'ul kotib
Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi
Sadriddin SHAMSIDDINOV

Sahifalovchi
Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001746.
Bosilish — ofset usulida.

Hajmi — 6 bosma taboq.
52092 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosilishga topshirish vaqti — 23.00.
Bosilishga topshirildi — 23.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.